

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Соибов Т.З.

РАНГТАСВИР

Ўқув қўлланма

Тошкент - 2007

Муаллифлар: Соибов Т.З. “Рангтасвир”

Ўқув қўлланма. (Соибов Т.З. ТАҚИ, 2007 й. 64 - бет.)

Ушбу ўқув қўлланма “Архитектура муҳитлари дизайни” кафедрасининг профессори Соибов Т.З. томонидан тузилган.

Ўқув қўлланма талабалар курс ишларида ўтиладиган ранглар ечимининг асосларига тегишлидир. Ушбу қўлланмада портрет, манзарали тасвир, натюрморт ишларида акварель ва гуаш каби жихозларда ишлаш усуллари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Қўлланмада рангларни бир-биридан ажратиш, аралаштириш, ранглар ва тонларнинг схемалари илова тартибида берилган.

Бу ерда рангтасвир асарларини куриш ва асарни компоновкасини тушуниш, фазовий перспектива ва ранглар қонунларининг асослари кўриб чиқилган. Ўқув қўлланмада иллюстрация тартибида “Архитектура муҳитлари дизайни” кафедраси талабаларининг ишларидан намуналар келтирилган.

Данное учебное пособие «Живопись» составлено профессором кафедры «Дизайн архитектурной среды» Соибовым Т.З.

Учебное пособие касается специфики цветового решения студенческих курсовых работ начальной стадии изучения курса. Подробно разбирается техника использования акварели и гуаши в работе над натюрмортом, пейзажем, портретом. К пособию приложены схемы цветового и тонального зонирования, особенности смешения цветов и зависимости от цвета и тона. Здесь рассматриваются законы компоновки и построения произведений живописи, а также, законы цветовой и пространственной перспективы. Пособие содержит в качестве иллюстративного материала фотографии студенческих работ кафедры «Дизайн архитектурной среды».

“Архитектура муҳитлари дизайни” кафедраси

Такризчилар: 1. Ўзбекистон Республикаси “Санъатшунослик” илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, санъатшунослик номзоди Лунева В.В

2. “Архитектура ва шаҳарсозлик” кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Махмудов В.М.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

КИРИШ

“Санъат – унда ҳамма нарса мос тушган такомилига етган ва нафис, қисқаси мукаммал билимнинг ўзгинаси. У оддий, оддийлик эса улкан билимлар ва маҳоратни талаб қилади”.

П.П. Чистяков.

Бўлғуси архитекторлар ва дизайнерларнинг ижоди ва уларни ўқитиш жараёни, тасвирий санъатнинг кўпгина муаммолари ва вазифалари билан узлуксиз боғлиқдир.

Натурани тушуниш ва онгли равишда кўра билиш муҳим, расм чизувчи унинг тузилишларини субъектив идрок этишга (ёки қабул қилишга) эмас, балки объектив илмий билимга асосланган ҳолда яхши ўрганиб чиқиши зарур; бунинг учун талаба перспектива (манзарали кўриниш) қонунларини, пластик анатомияни, соялар назариясини яхши билиши зарур.

Перспектива (манзарали кўриниш) қонунларини билмай туриб, талаба шаклни фазода тасвирлай олмайди, уни уч ўлчамликда бера олмайди. Анатомияни билмай туриб, у натуранинг характерини ва унинг мимик ҳолатини тасвирлашда ёрдамга муҳтож бўлади. Ёруғлик ва соялар қонунларини билмай туриб, моделнинг ҳажмини, рельефи ва фактурасини бера олмайди.

Рангтасвир қоидаларини яхши эгалламаган талаба безашдаги уйғунликни, рангларни бир-бирига монанд, мос ва яхлит кўринишида бўлган муносабатларини тиклай олмайди.

Чекланган рангтасвир

Архитектор ва дизайнерларни укитиш жараёнида ранг тасвир курси натурани чекланган ранглар оркали ишлаш вазифасидан бошланади. Албатта ўқувчида “чекланган рангда ишлаш” ибораси нима? – деган савол туғилиши табиий ҳол. “Чекланган рангда ишлаш” шуки, ишланадиган натюрмортни рангидан, турли ранг жилоларидан, ранго-ранг товланиб кўринишидан каътий назар, талаба уни “чекланган” икки-уч хил ранг бўёқ қоришмасида бажариши керак. Бу ранглардан фойдаланишдаги маромни жиловлаб, талабани палапартиш иш юритмасликка ўргатади ва рангга бўлган эҳтиёткорликни оширади, уларнинг тусланишини тартибга солади.

Чекланган ранглар ва улар ёрдамида турли-туман кўринишга мойил жиҳозларни тасвирлаш, яхлит ранг уюшмасининг талабига мос равишда рангларни қўшиб, уларни ишлата олишларига имкон яратади.

Натюрморт – рассомликнинг алоҳида мавзуи бўлибгина қолмай, у рассомчиликнинг бошқа ҳамма шакллари: мазмунли композиция, портрет, манзара, интерьерлардан қолишмайдиган тўлиқ ва мазмунли сурат шаклидир. Борлиқ қиёфасини ўзида яхлит, тугал акс эттирган санъат асари ҳамиша катта бадиий мазмунга эга бўлади, шу билан бирга унинг моҳияти ташқи мазмуни билангина чекланиб қолмайди.

Натюрморт устида ишлаётган рассом руҳий нуқтаи назардан энг арзимас икир-чикирларни ҳам тасвирлайди, умумлаштиради, нарсаларга шакл беради, бир нечта нарсани оддий таққослашга нисбатан уларни чуқурроқ тассаввур этиб, муайян мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари рассомликнинг бу соҳаси ҳам даврни ҳис эта билиши талаб қилинади, ҳис этганда ҳам баъзи ўринларда ёрқинроқ ва аниқроқ ҳис этиш керак бўлади.

Нарсалар олами – инсон олаmidан иборат. Бу оламни инсон ўз қўли билан яратган, шакллантирган. Бу эса кўриниши жиҳатидан оддий қўйилган натюрмортни чуқур мазмунли жанрга айлантиради.

Тасвирлаш учун қўйилган рангтасвир топшириқлар ва уларни мавзулари ҳар хил. Услубий, чекланган ранглар билан олиб бориладиган натюрмортларнинг асосий мақсади: келгусида, интерьерларни ҳар хил жиҳозлар билан композицион безатишида ёрдам бериш. Натюрмортлар интерьер беаги, плакат ва ташвиқот белгиларининг яратилишида амалий иш вазифасини ўтайди. Чекланган ранглар билан ишланган натюрмортда, ранглар сони жиҳатидан кам бўлишига қарамай, улар бир-бирига мос ҳолатда яхлит уйғунликни ҳосил қилиши керак. Уй жиҳозларини ишлашда ҳам, безатишда ҳам бадиий дид катта ёрдам беради.

Одатда ташвиқот тасвир (плакат)лар чекланган рангда яратилади. Бунинг сабаби, шу плакат сарф харажатининг оммага кўплаб ишлаб чиқаришда унинг таннарни қийматини арзон бўлиши ҳам чекланган рангга боғлиқдир.

Талаба яна шуни яхши билиши керак-ки, дарс топшириқлари бу ўқув ишлардир, улар асосан машқ вазифасини ўтайди. Ҳаётда учрайдиган жуда кўп муаммолар мавжуд-ки, бу тасвирий, бадиий муаммоларни ҳал қилиш учун рангларни қайси ерда, қандай йўсинда, йўналишда ишлатилишини олдиндан билдириши керак.

Дизайн йўналишидаги талабалар, асосан, безовчи рассом мутахассислигини эгаллашлари туфайли, бундай синовларга тез-тез дуч келиб туриши мумкин. Буни ечимини иш тажрибасидан келиб чиқиб ҳлода, рангларни таъсир кучи нимада эканлигидан тўғри хулоса чиқариб, уни осон ҳал қилиш мумкин.

Ранг билан ишлаш узоқ муддатли иш тажрибасига боғлангандир. У ўқитувчи томонидан талабаларга мисқоллаб берилади, аммо бу мисқол тошини кўпайтириш талабадаги қобилият даражаси – ақл фаросатга жуда ҳам боғлиқдир. Бундай маром ўлчамини талабаларга беришда ҳеч қандай тарозида ўлчанмайди, бундай тарозининг ўзи йўқдир, бу ташқаридан қирдириладиган нарса эмас, у ҳар бир рассом қалбига жойлашган сезгидан, ақл идрокидан, қобилият махсулотидан пайдо бўладиган тарозудир.

Талабалар ўқиш даврида рангларни аниқ кўринишларини, буюмнинг рангини атрофдаги буюм рангларида қай жиҳатдан фарқ қилишини ҳис эта билиш керакдир.

1-курснинг биринчи топшириғи – “Тризаль (бир ранг унинг оч ва тўқ туслари) билан ишланган натюрморт” бўлиб, унинг асосий вазифаси, бўёғи хар-хил бўлган буюмларни ранг ва тус жиҳатидан фарқланган ҳолда бир ранг билан уйғунлика олиб келишдир.

Бунда биринчи натюрморт оддий, яъни нарсалар сони ҳам безаклари ҳам кам бўлиши керак. Натюрмортнинг асосий аломати, энг йирик ҳажм ҳисобланиб, унинг теvarасида шакли ва бўёғи турлича бўлган иккита-учта кичикроқ буюмлар қўйилган бўлади, улар безатилиб, бир текисда нафис ишланганлиги билан композицион жиҳатидан мувозанатлаштирилади.

Одатда натюрмортнинг асосий нарсасини орқароққа, орқа томонини тўсиб қўймаслик учун унинг кичикроқ қисмларини олдинга жойлаштирилади. Бу билан бир оз бўшлиқ ҳам вужудга келтирилади. Натюрморт ишланаётганда буюмларни бўёқларига қараб, уни очлик ёки тўқлик миқдорини рангидан яққол ажрата билишни ҳисобга олиш зарур. Масалан: оқ нарсалар қора фонда жуда яхши кўзга ташланади ва аксинча, қора нарсалар оқ деворда яққолроқ кўринади. Тус қарама-қаршилигидан ташқари рангларни бир-бирига нисбатдан зидлигини ҳам фарқи бор. Иссиқ бўёқларда ранглар бир-бирига зид бўлиши мумкин, масалан, тўқ қизил фонда жигар ранг ҳажм. Худди шунингдек, (совуқ) бўёқларда: тўқ ҳаво ранг фонда ёрқин мовий буюм.

Иссиқ-совуқлик қондаси бўйича ишланган натюрмортларнинг ранги кескин фарқ қиладиган бўлади; ёқимли нарсалар хира фонда ёки аксинча қўшимча ранглар қарама-қаршилигининг кескин фарқи энг кучли бўлади; яшил фонда қизил ранг, бинафша фонда сариқ ранг, жигар ранг фонда кўк ранг жуда кескин фарқ қилади. Агар натюрморт ранглар қарама-қаршилигида ишланган бўлса, унда 1-2 бўёқли таъкидлар киритилади, яъни кичикроқ

буюмлар ёрқин ёки безаклар билан ишланади. Бу буюмларни таққослаш учун зарур, шунда бошқа ранглар бир мунча мураккаб ҳал қилинади.

Ранглари бир-бирига ўхшаш натюрмортда ёруғлик ва қоронғулик қонунига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Натюрморт ёрқин бўёқларда чиқиши учун бошқа ҳамма рангларни оқартириб юбормаслик ва хаддан ташқари қорайтириб юбормаслик керак.

Бу вазифа ёндан тушадиган ёруғлик билан удаланади, у ёруғлик тушаётган томонга соя муносиб ранг бериб кўрсатишга имкон яратади, талабанинг ҳажмий фикрлашига ёрдам қилади. Ёқимли ёки хира рангга эга бўлган, ёндан тушадиган ёруғлик ҳамма нарсаларни ёритади: агар ёндан тушадиган ёруғлик туссиз бўлса, ҳамма нарсалар нурда совуқроқ кўринади ва ранглар қарама-қаршилиги қонунига кўра, бутун соя иссиқроқ бўлиб қолади (иссиқ ёритилганда эса аксинча совуқ бўлиб кўринади).

Акс этиш (рефлекс) нарсалар ўртасида ранглар алоқасини ўрнатади. Тушаётган соялар ҳам нарсаларнинг ёрқин бўёқларига ўралишда қатнашади. Бу омилларнинг ҳаммаси натюрмортнинг алоҳида бўлақларининг ўз рангларини бирлаштирувчи муҳитни вужудга келтиради ва умумий уйғунлик, жозиба яратишда қатнашади.

Биринчи топшириқ таништириш вазифасини бажариб, у талабанинг касб тайёргарлиги савиясини аниқлаб беради ва мазкур ўқувчи билан ишлашда ўқитувчи олдига муайян вазифаларни қўяди.

1-курснинг иккинчи топшириғи – “Яқинлаштирилган рангларда ишланган натюрморт” бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳар қайси рангнинг ўзига хос алоҳида хусусиятларини, нозик томонларини, бир нарсани иккинчисидан бир оз ажратиб турадиган арзимас фарқни топа билишдир. Бу натюрморт ён томондан ёруғлик тушиб турган ёрқин нарсалардан иборат бўлади.

Агар олдинги топшириқда ранг ва тус қарама-қаршиликлари яққол акс этилган, бу натюрморт ишланиши уйғунлашган ҳолда бўлади – унда ҳеч қандай кескин ранглар ҳеч бир қарама-қаршиликлар йўқ. Ҳаммаси рангларни

ажратиб олиш қийин бўлган ва туси яқин нарсалар асосида курилади. Бу топшириқ талабани босиқ қилиб қўяди, унинг рангларини жуда нозик кўз билан кўришга, ўхшаш рангларни бўёғи, туси ва ашёси бўйича ўхшаш нарсаларни ҳамма вақт таққослашга ўргатади. Ҳар қайси нарсанинг ўз рангини таҳлил қилишдан ташқари, талаба унинг шаклини бўёқ билан коплаши ва нурнинг ҳаво муҳитини бера олиши керак бўлади.

Бу вазифани уддалаш учун талаба ишлаётганда эркин ранг ва тус муносабатлари усулидан фойдаланиши керак. Ҳар қайси нарсанинг шаклини ясаётганда уни бошқалар билан таққослаши лозим; сояларнинг ҳамма ранги яқинлаштирилган нарсалар сояси билан таққосланиши, хира рангларни хира ранглар билан, нурларни нурлар билан, оқ доғларни оқ доғлар билан, акс этишлар билан таққослаш зарур ва ҳаказолар. Агар бу усулга амал қилинмаса, чалғиб кетиш мумкин, чунки ҳамма ёруғ ва айниқса оқ нарсалар нур манбаи таъсирига ниҳоятда берилувчан бўлиб, хилма-хил ранг ва тусларини акс этишлари билан қоришиб кетишади.

Нозик фарқларни ва алоҳида томонларни умумий ранг-тус кўринишига бўйсиндириш лозим. Бўёқларнинг бир-бирига умумий мос келишида сустлик ва оқимтирлик бўлишидан қочиш учун натюрмортни озроқ ранг ва тус таъкидлари билан ишлаш лозим, улар умумий ранглардан ажралиб қолмаслиги учун бировз бўлиши керак.

Бу топшириқнинг бир кўриниши: оқ нарсалар рангли фонда оқ безакда бўлишидир. Бундай ишланганда ҳар қайси нарсанинг оқлиги яна ҳам кўпроқ ажралиб туради. Бу ҳолда оқ ранглар катталиқ ва миқдори жиҳатидан устунлиқ қилиш, фон эса уларни ажратиб кўрсатишга ҳизмат қилиши лозим.

1-курсадаги учинчи топшириқ – “Иссиқ рангларда ишланган натюрморт” бўлиб, бунда ер рангига яқин бўлган хилма-хил бўёқлардаги буюмлар ён томонидан тушиб турган нур билан ёритиб турилади.

Бу топшириқнинг асосий вазифаси: бир мунча иссиқ рангларни ёқимлилиги камроқ ранглар билан таққослаш, асарнинг ранг тузилишини асосан иссиқ рангларда кўриш ва кўрсата билишдан иборат. Ўз ўзидан майин

ер бўёқлари: хар хил оч ковоқ ранг, буғдой ранг (охралар), тўқ жигар ранг (умбралар), шоколад (корамтир жигар) ранглар иборат бўлиб, улар орасида ёрқин ажралиб турадиганлари бўлмайди, ҳаммаси бир-бирига уйғун равишда қўшилиб, бир-бирини тўлдиради (10% қўшимча ранглар ишлатиш мумкин). Бу натюрмортни ишлаётганда унинг ранг тузилишини аниқ ҳал қилиб олиши керак. Орқа томон (тус)га қараб сўндирилган бу ранглар томошабинга аниқ кўринадиган бўлиши лозим. Рангни жонлантириш учун бу топшириқда қўшимча рангдан бир оз киритилади. Улар иссиқ ранг бўёқларнинг асосий мазмунини кўпроқ аниқлашга хизмат қиладилар, лекин совуқ ранг бўёқларнинг таъкиди кичик (оз) роқ бўлиши керак, ишланаётган иссиқ ранг бўёқлар билан тўқнашиб кетмаслиги лозим. Талабанинг вазифаси уни, натюрмортнинг ранг тузилишига сингдириб юборишдан иборат.

Бу топшириқ бажарилаётганда хилма-хил бўёқлардан ўша таъкидда фойдаланиши мумкин, лекин ранглар бирмунча ёрқин ва рангбаранг бўлиши керак. Масалан: сариқ ер бўёқлари кўпроқ охралардан ташкил топувчи натюрмортда, тўқ сариқ, деярли тоза ковоқ сариқ ёки лимон сариқ ранглар кичикроқ доғ булиб солинади. Бундай ёрқин рангнинг бўртиб туриши бошқа ҳамма сариқ рангларни «сўнишига» олиб келади ва уларнинг бўёғини мураккаброқ ва моддийроқ тусга айлантиради, талабани керакли тусдаги бўёқлар қоришмаси тўғрисида кўпроқ ўйлашга мажбур этади.

Ёндан нур тушиб туриши, натюрмортнинг рангларига муайян таъсир кўрсатади. Чунончи, совуқ рангдаги нурда шаклланган натюрмортнинг бутун иссиқ ранглари совуқ тусга киради. Иссиқ ранг жилоси ёритилганда эса соялар совуқроқ бўлиб қолади. Аслига қараб астойдил ишлаш, рангларни кўра билиш ва ўз этюдида уларни ҳаққоний тасвирлай олиш талабанинг кўп нарсаларни тушунишга мажбур этади. У нарсалар атрофидаги энг очик ранглар ҳам мурракаблашибгина колмай, совуқроқ бўлиб қолишини ҳам англайди. Бу топшириқнинг бошқача кўринишлари ҳам бўлади. Улар бир хил ранг таркибий қисмларидан ташкил топган натюрмортлардир. Масалан, қизил рангнинг хилма-хил туслари ишлатилади (деярли жигар рангдан қизил

рангнинг бинафша рангигача бўлган товланишлари). Сарик, яшил рангларда ишланадиган натюрмортларда ҳам шундай вазифа қўйилиш мумкин ва х.к. Талабанинг вазифаси натуранинг (асли)да мавжуд рангларнинг энг нозик томонларини бутун бойлигини кўриш ва тасвирлай билишдан иборатдир.

1- курсдаги тўртинчи топшириқ – “Совуқ ранглар билан ишланган натюрморт” бўлиб, бўёқлари яшил, кўк, зангори уюшмасидан иборат. Натюрмортда нур ёнидан тушиб туриши керак. Бу вазифа хилма-хил иссиқ рангларда ишланадиган қўшалок натюрморт билан ўхшаш вазифаларга эга. Иссиқ рангларда ишланган натюрморт тўғрисида айтилган гапларнинг ҳаммаси бу топшириқга тўла таълуқлидир. Унинг кўринишлари хилма-хил бўлиши мумкин. Бу мавзудаги натюрмортнинг ранглариининг таркибий қисмлари ҳаво ранг, бинафша ранг, яшил ранглардан иборат. Ҳаво ранг, унинг турлари ва тусларидан иборат ёки фақат бинафша ранглардан ёки бўлмаса фақат совуқ яшил ранглардан иборат натюрморт тасвирини чизиш топшириғи талабани ёнига янада мураккаброқ вазифаларни кўйадилади.

Бўёқлари ажралиб турмайдиган натюрморт ҳам бўлиши мумкин. Бу топшириқларга ҳам қўшимча ранг таъкидлари киритилади: сарик, қизил жигар ранглар ишлатилади. Бу ерда “очиқ ранг” таъкидларининг аҳамияти ҳам муҳим.

Туслар товланишини кучайтириш учун натюрмортда бир оз оқ ва қора рангларни ишлатиш мумкин.

Талабанинг вазифаси мана шу қўшилмайдиган ранглар совуқ муҳитда қўшимча ранглар қонуни бўйича қандай қилиб иссиқ тус олишини кўриш ва тасвирлай билишидан иборат. Талаба бу топшириқда иссиқ-совуқлик қонунларини яққол кузата олиши мумкин. Дарс хонасида нур кўпинча хира бўлганлиги учун, барча совуқ бўёқлар хира нур билан ёритилади, бу нурда ҳаво ранг, совуқ яшил ранг, бинафша ранг бўёқлар деярли ўзлигича қолади, лекин сояда иссиқлик қонуни бўйича улар ўзларининг кучли совуқ рангини йўқотади. Иссиқ ранг бўёқларга: жигарранг, иссиқ яшил, ерсимон ранглар

киради. Бу натюрмортларда нарсанинг фазода жойлашиши, нарсаларнинг акс бериш алоқалари ва хоказолар якқол кўзга ташланади.

Талабани вазифаси натюрмортдаги бир таркибий қисм рангини бошқаси билан таққослаш, улар ўртасидаги ранг ва тус жилваларидаги фарқни топишгина эмас, балки шу билан бирга ҳар қайси нарсанинг рангини ёритилишини, ҳамда маконга қараб қандай ўзгаришини диққат билан ўрганишдан иборатдир. Иссиқ ва совуқ бўёқларнинг нотўғри алмаштирилиши рангнинг сўнишига, унинг ифлосланишига олиб келади. Шунинг учун соя, ярим соя ва акс этишлардаги ранг-баранг чизиқли сўниқ бўёқлардан ташкил топган натюрмортнинг ҳамма белгиларини иссиқ бўёқлар касб этади ва шу тарзда ўзининг ўткир ранг-баранг чизиқли товланишини йўқотади.

Дераза олдидаги ёқимли нур бундан мустаснодир, унда қуёш нури тўғридан тўғри натюрмортга тушади ёки жуда иссиқ қуёш ботишидаги ёруғликда ҳам шундай, унда нур иссиқ бўёқларга айланади, соялар совуқ бўлиб қолади. Лекин одатда бу сўниқ сояларда дарс хонасининг нарсалари, бўшлиқ муҳитнинг акси сифатида иссиқ жилвалар пайдо бўлади.

1- курсдаги бешинчи топшириқ – “қўшимча бўёқларда ишланган натюрморт”. Унинг асосий вазифаси, бир-бирига рақобат бўлган қизил билан яшил, жигарранг билан ҳаворанг, сариқ билан бинафша рангларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборатдир.

Табиатда учта асосий ранг: қизил, сариқ ва ҳаво ранглар мавжуд. Қизилни сариқ ранг билан қўшиб жигарранг олинади, сариқни ҳаво ранг билан қўшиб – яшил, қизилни ҳаво ранг билан қўшиб – бинафша ранг ҳосил қилинади. Бу рангларнинг ҳар қайсиси яна ўзининг таъкидли қўшимча рангига эга: қизил рангда – яшил, ҳаво рангда – жигар ранг, сариқда бинафша ранг қўшимчалари бўлади. Ҳар қайси ранг ўзининг қарама-қарши рангини кўзғотади. Бу қонунни аниқроқ тушуниш учун оқ нарсани қизил фонга қўйиб кўрамиз – у яшилроқ тусга киради. Ана шу оқ нарса жигарранг фон (тус)да кўкишроқ бўлиб қолади. Сариқ фон (тус)да эса бинафша ранг қиёфасини

олади. Тўқ бўялган фон (тус) ўз ранги аксини нарсага беради, муайян жойларда, улар жуда кучли бўлиши мумкин, лекин нарсанинг асосий ранги кўшимча рангга қараб тортади. Лекин қизил ранг туслари жуда кўп, бинобарин ҳар қайси қизил ранг учун кўшимча яшил туслар мавжуд бўлади; қизил қанча қалинроқ бўлса, унинг кўшимча ранги шунча хирароқ бўлади; агар қизил жигар ранг мойил бўлса, унинг кўшимча сўниқ – яшил туси ҳаво рангга мойиллашади. Агар қизил сўниқ бўлса, яшил ранг иссиқ бўлади ва х.к. Талабанинг вазифаси алоҳида ранг қоришмаларини нур-ҳаво мухитига жойлаштириш йўли билан натюрмортнинг умумий бўёқ тузилишида кўшимча рангларнинг энг юқори жилосини топишдан иборат.

Кўшимча ранглар қонуни рассомликда ранг уюшмасининг ёрқинлигини, уйғунлигини, яхлит кўринишини тасвирлаб етказиш жараёнида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

1-курснинг иккинчи семестрида дастур 4 та топшириқдан иборат: нур қаршисидаги натюрморт ва манзарали тусдаги учта натюрморт.

“Нур қаршисидаги натюрморт”нинг асосий вазифаси нур ва соя, ранг ва тус муносабатларини нурда, сояда, қора нарсада, шу нурда акс беришда нарса рангини ўзгаришларини кўриш ва тасвирлай билишдан иборат. Бу натюрморт одатда паст тагликда бевосита ойна олдида, баъзан дераза тагида жойлаштирилади. Нур қаршисидаги ёритиш натюрмортдаги бутун ранг бўёқларини кескин ўзгартиради. Агар ён томондан ва тўғридан нур тушиб турганда нарсанинг асосий қисми ёритилган, шуъла ўртароқда турган бўлса, акс шаффоф ёритишда нарса бутунлай соя билан қопланади, шуълалар унинг сояларида кучаяди, шарпа нарса теварасида нурланишни ҳосил қилгандек бўлади. Паст-баландликда ёрқин рангли ва акси кучли тушадиган нарсалар жойлашган. Ёруғ сирт яхши кўзга ташланади. Одатда бу натюрмортни ёруғ ва сирланган ялтироқ нарсалардан тайёрлайдилар, чунки нур қаршисида бўёқ қуюқлашади, нарсанинг деярли ҳамма ери қорароқ бўлиб қолади, шунинг учун қора бўёқлар бериш асарни қора чиқишига олиб келади. Нур манбаига яқинроқ жойлаштирилган бу иш бошқаларига қараганда кўпроқ ёруғлик

таъсирида учрайди. Чунончи, бу топширикда иссиқ-совуқ, ёқимли – сўниқ бўёқлар қонуни аввалги натюрмортлардагига нисбатан яққолроқ бўлади. Бу усул хилма-хил ёритиш (қуёшни нарида бўлиш ва хоказоларда) ҳолатларини синаб кўради, бу эса ишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради, уни очик манзара (плёнер) шароитига: нур ёрқинлиги, акслар, шуълалар жилваланиши, соялар кескинлиги ва уларнинг бир уриниш давридаги ўзгарувчанлиги шароитига яқинлаштиради. Бу топширик талабани, аввалги топшириклардагидан фарқ қилувчи, янги шароитга солиб қўяди. Бу натюрмордаги нарсалар теварак – атрофга, ёруғлик – бўшлиқ муҳитига кўпроқ боғлиқ.

Талабани вазифаси натюрмортнинг ўта нозик тузилишини бера билиш ва унинг нур-соя жилвалари орқали ягона яхлитлигига эришишдан иборат.

Шиша гулдонлар, тиниқ шишадан ишланган идишлар нур қаршисида жуда қизик кўринади – бундай натюрмортлар талаба олдида мутлақо янги рассомлик вазифаларини қўяди – у буюмни бетакрор ранг-баранг жилосида кўра билиши керак.

Дераза тағлигига қўйилган натюрмортда нарсаларнинг деразадаги шарпаси янада қуюқроқ бўлади, уларнинг туси қуюқлашади, ҳатто оқ нарсалар нур қаршисида ойна орқасидаги бўшлиқдан қоронғироқ кўринадилар. Бу топширикнинг энг қийин тури деразадан анча узоқда нур-соя муҳитда жойлашган манзара тасвирланган натюрморт ҳисобланади.

Талабанинг вазифаси манзарани натюрмортга бўйсундириб, бу иккисини узвий қўшиб юборишдир. Бу топширикқа очик ҳаво (плёнер) да ишлаш босқичига ўтиш сифатида қараш мумкин.

Чекланган макондаги сўнгги натюрморт “Гипс буюм иштирокидаги натюрморт” бўлиб, у натюрмортлар устида ишлашни ниҳоясига етказди ва одам калласини тасвирлаш босқичига ўтиш ҳисобланади.

“Гипс буюм иштирокидаги натюрморт” бевосита жонли шакл каллани тасвирлашга ўтишдан олдин ишланади.

Бу топшириқнинг мақсадри – гипс каллани нафис ишлаш, унинг хусусиятини, ўлчовларини ҳисобга олиш, одам калласини ҳайкалтарошлик анатомияси билан амалиётда танишишдан иборат. Бу топшириқнинг мақсади талабани жонли одам калласини тасвирлашга яқинлаштиришдир.

Бу топшириқда, ҳажмли маром вазифаларидан ташқари, калланинг ўзига хос шаклини рассомлик воситалари билан яратиш: унинг хусусияти ва кўринишини етказа билиш, ёқимли-сўниқли туслар, кўшимча бўёқлар конунларини ҳисобга олиб, бўёқларни ўзаро таъсирини яқинлаштирилган ҳолда рассомлик саводининг кўникмаларини намоён этишдан иборат. Бу кўникмаларни талабалар бир мунча оддий натюрмортларда ўзлаштирганлар. Шунингдек, бу топшириқларда нур-соя муҳитини ва унда нарсаларнинг жойлашганлигини тасвирлаш, ҳамда гипсдан ишланган калла рангини натюрмортнинг бутун ранглار тузилиши билан боғлаш вазифалари қўйилади.

Бошқа материаллар (ёғоч, тош, темир ва ҳк.)дан ишланган ҳайкал каллалари бўлган натюрмортлар бу топшириқнинг бошқа кўринишлари бўлиши мумкин. Бу натюрмортларда юқорида айтилган вазифалардан ташқари яна бир вазифа қўйилади: рассомлик воситалари билан ҳайкалларнинг хом ашёларини ҳам тасвирлаб бериш керак бўлади.

Манзарали тусдаги натюрмортлар

Дастурни услубийлиги юқори малакали манзарали амалий санъат рассомларини шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида ўқувчиларни рассомликка ўргатишни назарда тутди.

Рассомлик санъати кафедраси ўз ишида ўзбек, рус ва жаҳон ҳаққоний тасвирлаш мактаби анъаналарига таянади. Бу анъаналар бизнинг рассомлик санъатининг амалиёт ҳаётига олиб кираётган барча илғор янгиликлар билан тўхтовсиз бойитиб боради, санъатдаги ҳар хил бетартиб (реакцион) йўналишлар таъсирига қарши курашади. Шу билан бирга, манзарали – амалий рассомликка ихтисослашувнинг ўзига хос хусусияти, илмий манбага таянган ҳолда рассомликни ўқитишга муайян таъсир кўрсатади. Манзарали

натюрмортни ишлашда газламалар, сопол идишлар, нақш кашталар, палак ва шу каби манзарали амалий санъат буюмларини ишлатишнинг ўзи ёрқин манзарали натюрмортни вужудга келтиради. Талабаларни бўёқлар ва ҳайкалтарошлик санъатининг умумий уйғунлигини тушунишга, ўткир, таъсирчан композиция вазифалари устида кўпроқ ўйлашга, изланишга мажбур этади. Талабаларда ҳажмли – маконли тафаккурни ривожлантиришга қаратилган асосий вазифалардан ташқари, илмий (аслига ўхшаш) рассомлик дастури манзара хусусиятидаги бир қанча вазифаларни ҳам назарда тутаяди. Булар; манзарали муҳитдаги кийинган қиёфаси, тасвири бадий қайта ишлашда кулланилаётган миниатюра ва бошқалардир. Бу топшириқларда талаба асардаги ранг қурилишининг умумийлигига эришиши, ҳажм ва маконни аниқ ва пухта қилиб ҳал этиши тасвирий қисқаришларни бир текислиги билан фойдаланиши лозим.

Бу топшириқлар устида ишлаш талабаларни бўёқларнинг жилваланишига асосланган ўткир таъсирчан композиция яратишга ва бу композиция аслига нисбатан жонлироқ ижодий ёндашишга ўргатади, манзаралилик ва ижодий ҳаёлотни ривожлантиради, бу эса амалий – манзарали санъат соҳасидаги рассомликни шаклланиши учун зарурдир. Илмий услубга таянган рассомлик дастури бу топшириқларни мантиқан, изчил равишда мураккаблашиб боришини назарда тутаяди. Бу мавзудаги дастлабки топшириқлар аниқ ифодаланган ёрқин бўёқли суратлар қора нарсалар ёрдамида бажарилади. Кейин ёрқин бўялган кучли иссиқ ёки совуқ ранг фони (туси) ишлатилади. Манзаралиликнинг айрим белгилари киритилиши кучайтириб борилади: натюрмортлар (гулдон, нақшли нарса ва матолар) фон (тус) да ишланади. Бу мавзудаги топшириқлар талабалар ишларида манзаралиликни тақозо этади.

Мақсад талабаларнинг ёрқин ранглар уйғунлиги асосида манзарали тусдаги натюрморт яратишдир. “Композициядаги ёрқинлик шуки, бир шаклга қараганингда, у бошқаларга жавоб бераётган бўлади, яъни ҳамма биргалашиб ашула айтаётгандек”, деган эди, П. Чистаков. 1-курс 2-

семестрида бажариладиган учта охирги топшириқ “Манзарали натюрморт”га бағишланади. Уларнинг асосий вазифаси – мураккаб бўёқларда ишланган асарни ҳамма рангларда уйғунлаштириш, ҳажм ва макон вазифасини аниқ ҳамда пухта хал этиш, суратлар бир текислиги ва нақшлилигини кучайтиришдан иборат.

Манзарали – амалий ихтисослашувнинг ўзига хос хусусиятига жавоб берувчи бу топшириқ талабада манзарали тафаккурни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, талабани бўёқларнинг манзарали жилваларига, чизиқли расмлар таъсирчан композиция кўникмаларига ўргатади, аслига нисбатан жонлироқ асар яратишда ижодий ёндашишни назарда тутди.

Манзарали натюрморт тузиш

Унинг кўринишлари жуда хилма-хил; масалан: иссиқ ёки овук бўёқларда ишланган “манзарали натюрморт”, нақшли фон (тус)да “манзарали натюрморт”, ёрқин нарсалар қора (тус)да ёки қора буюмлар еркин тусда егилган натюрмортлар. Манзарали натюрмортлар ҳохлаган бўёқларда қарама-қарши, иссиқ-совук, қўшимча, хатто яқинлаштирилган бўёқларда бажарилиши мумкин. Тепаликнинг баландлиги ҳар хил булиши мумкин, хатто кенг маконли натюрморт бўлиши ҳам мумкин. Ҳаммаси қўйилган вазифаларга ва уларнинг қандай хал қилинганлигига боғлиқ. Энг мураккаб натюрморт – қарама-қарши бўёқли, нақшлари кўп, фон (тус)лари, ҳам нарсаларни ўзи ҳам жимжимли қилиб ишланган натюрморт ҳисобланади. Талабанинг вазифаси барча таркибий қисмлар ва гулларни яхлит қилиб уйғунлаштиришдан иборат.

Манзарали натюрмортнинг ўзига хос хусусияти

Манзарали натюрмортда нур-ҳаво муҳити, кўриниш нарсаларнинг жойлаштирилиши, майдончадаги нарсаларнинг акси ва табиий тегиб туриши каби ҳамма вазифалар манзарали тусдаги вазифаларнинг олдига тушаолмайди. Бу вазифалар нарсаларнинг ўз ўрнидалиги, расмларнинг

аниқлиги, маконнинг чекланганлиги, ёрқин бўёқларнинг таъсирчанлиги, рангларга бойлиги, бир текислиги, вазмин композиция ва умумий уйғунликлардан иборат.

Манзарали натюрморт ўзига хос хусусиятга эга. У ўзининг айрим томонлари билан аввалги топшириқлардан кескин фарқ қилади, шу билан бирга талабанинг аввалги натюрморт дарсларида ўзлаштирилган рассомлик саводи (натюрморт тузиш) қонунлари билан чамбарчас боғланган бўлиб мантиқан ана шу қонунлардан келиб чиқади. Талаба учун олдинги топшириқларда иш олиб борилган ранглар, композициялар, яхлит кўриш, уйғунлик, умумий бўёқлар каби тушунчаларнинг ҳаммаси манзарали натюрмортни ишлаш услубида аввалгидек аҳамиятли бўлиб қолаверади. Манзарали натюрмортда композицияни яхлит кўра билиш, умумий ранглар ва ҳажмли шакллар уйғунлиги вазифалари биринчи даражали аҳамиятга эга.

Ранг ва бўёқлар куюкроқ бўлиб қолади; чунки улар қўшни нарсаларни бири бирига акси тушиб хиралашганда, уларни бўшлиқ муҳитга қўшилиб кетишига йул қуймайди. Нарсалар бой ранг ва бўёқлар ёрқинлигига эга бўлади. Шунинг учун ранг ва бўёқ доғларининг аниқлиги кучаяди, нарсаларнинг расми равшан сезила бошлайди, буларнинг ҳаммаси асарнинг яхлитлиги ва жилоси таъсирчанлигини вужудга келтиради. Расм чизиш бўйича бошқа топшириқлардагига ўхшаб бунда ҳам бўёқ биринчи даражали аҳамиятга эга. Манзарали натюрморт бўёқлари мураккаб бўлиши, умумий уйғунлик, ёрқинликка эришиш учун ранг қоришмалари аниқ топилган бўлиши керак. Талабанинг натюрмортдаги бой бўёқларни кўра олиш ва кўрсата билиш қобилияти асарнинг ёрқинлиги билан белгиланади. Бироқ манзарали натюрмортда ўзининг алоҳида хусусиятлари бор: безаш, рангларни яхлитлиги, бу хусусиятлар фақат ана шу манзарали топшириқ учун хосдир.

Текисланганлик (яссилик) тушунчаси манзарали натюрмортда биринчи даражали аҳамиятга эга. Бироз ранги хиралашганлик ҳолатида нарсалардаги соялар, умумий бўёқ кучини бузмайди. Нарсалар, аниқ

ифодаланган силуэт (шарпа) ҳисобига, кўпроқ чизилганга ўхшаб қолади. Шуълалар ва тушаётган соялар майинлашади ёки деярли йўқолади. Нарсанинг ҳажми, шакли худди қабариб чиққандек ишланади – ҳаммаси ясалган бўлади, лекин бўртиб турмайди, ҳаммаси бироз яссиланиб умуман текисланган бўлади. Шунингдек маконга муносабат ҳам ўзгариб кетади. Ҳамма нарсалар томошабинга яқинлашаётгандек бўлади, бунда натюрмортнинг тасвир ифодаси деярли бир юзага ишлангандек чиқади.

Ҳажм ва маконнинг қисқа ва аниқ ишланиши “Манзарали натюрморт” учун характерлидир. Расм кўпроқ жонли бўлиши учун баъзан контур чизик (шаклни ифодаловчи нукталардан иборат чизик) ишлатилади.

У нарсанинг умумий қоматини, кўринишини (шарпасини) таъкидлаб туради. Чекка чизик натюрморт бўёқларига қараб хоҳлаган рангда бўлиши мумкин. Масалан: қўшимча ранг чекка чизиғи бир-бирига зид рангларни кучайтиради, шунингдек чекка чизик таъкидлаб кўрсатилаётган нарса рангини янада ҳам аниқлаб жонлантиради. “Контур – чекка чизикларни қўллаш жонли шаклни ўрганиш натижасидир” деган эди П. Чистяков.

Манзарали натюрмортни ишлашнинг муҳим белгиларидан бири тасвирга безак (нақш, гул) ишлашдир, безак нақшлар фон (тус)га ҳам, нарсаларнинг ўзига ҳам ишланади. Ранги жонли, бўёқларга бой нақш бутун натюрмортнинг чизиқли бир текислигига сингиб кетади ва улар билан тасвирда яхлит уйғун композиция ҳосил қилади.

Манзарали натюрмортни ишлаш

“Манзарали натюрморт” топшириғи устида олиб борилган иш аввал бажарилган топшириқларда кулланган булиб, «аслига қараб тасвирлаш» қоидаcига асосланган.

Бўёқлар мураккаблиги, композиция уйғунлиги, умумий хилма-хил рангларга аввалгидек аҳамият берилади. Ранг ва бўёқ янада бойроқ бўлиб қолади, шарпалар яққолроқ кўзга ташланади, бунга нарсаларни бир мунча аниқ ифодаланиш ҳисобига эришилади. Расмнинг бир мунча яққоллигини

нур ҳаво муҳитига сингиб кетмаган нарсалар ўзига хос тарзда кўрсатади. П.Гоген “Аввал ва кейин” номли китобида шундай ёзган эди: “Ҳар бир нарсанинг шарпасига эътиборли бўлинг: шаклни аниқ чиқиши – кўлнинг сира ҳам ўз холига ташлаб қўймаслиги натижасидир”. Қўшимча рангларни кескин фарқ қилиниши асосида асарда аниқликка эришиш мумкин. Бунга қўшимча рангдаги контур чизиғи ёрдамида ҳам эришилади.

Натюрмортда ранглар ва чизиқлар бир текислигига сингиб кетадиган безакдан фойдаланиш яхлит уйғун композиция яратади, шунингдек ҳажм ва макон текис чиқади, бу топшириқни манзарали ҳал этишга яқинлаштиради.

Талаба асосий эътиборини натюрмортдаги ранг тузилишининг уйғунликига қаратиши лозим, бунда бой ранглар, безак, ўткир расм ва таъсирчан композиция ягона жозигаба бўйсиндирилган бўлади. Манзара ҳисини ривожлантириш амалий-манзарали ва миниатюра санъати рассомлари учун зарурдир.

“Манзарали натюрморт” топшириқлари устида ишланганда талабалар асосий манзара қоидалари билан илк бор танишадилар, бу қоидаларни улар кейинги манзарали тусдаги бошқа топшириқлар устида ишлаганда ўзлаштириб давом эттирадилар ва уни чуқурлаштирадилар.

Маконли тусдаги натюрмортлар.

Маконли тусдаги натюрморт топшириқлар устидаги иш талабаларнинг рассомлик саводи асослари негизида қурилади. Бу асосларни улар чекланган маконли асарлари устидаги амалий ишлар жараёнида эгаллаган эдилар. Маконли натюрморт топшириқларини бажариш жараёнида талабалар амалда чизиқли ва бўшлиқ манзара қонунларини, томошабиндан узоқлашган сайин нарса ва унинг рангида бўладиган ўзгаришларни ўрганадилар. Бу топшириқларда нарса муҳити энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади бўлиб қолади, бу билан талабалар чекланган маконли натюрморт устида ишлаганда танишган эдилар, лекин маконли тусдаги натюрморт топшириқларида бу муаммолар биринчи даражали аҳамият касб этади. Э. Делакура рассомликда

муҳитнинг мавқеини шундай таърифлаган эди: “Биз атрофдаги нарсаларга, хоҳ манзара хоҳ интерьер бўлсин, қараган вақтимизда улар орасида қандайдир боғлаб турувчи нарса борлигини пайқаймиз, бу уларнинг ўраб турган муҳити ва ҳар хил акс этишлар оқибати ҳисобланади, улар, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ҳар бир қандайдир умумий уйғунликка олиб келади. У ўзига хос мафтункорлик бағишлайди, суратларни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.”

Кенг маконли натюрмортлар маконни тасвирлаш вазифалари билан боғлиқ дастлабки топшириқлардир.

Маконли натюрморт

1. Биринчи режа (план) ёритилган;
2. Иккинчи режа (план) сояда (ён томондан ёритилган)

Бу топшириқларнинг ҳар қайсиси мазкур ишда олдинга қўйилган вазифани аниқ ифодалаши керак.

Чунончи, олдиндан ёритилган натюрмортда биринчи режадаги таркибий қисмларни шундай танлаш керак-ки, иккинчи режага ранглар ва бўёқлар тушиб турмаслиги керак. Масалан: биринчи режада фақат жуда ёрқин ранглардан ташкил топган нарсалардан, иккинчи режада бутунлай қора ранглардан иборат нарсалар. Биринчи режанинг иккинчисига нисбатан ёрқин ранглар билан ажралиб туриши, талабаларнинг ишларида ранглар тузилиши таъсирчан чиқишига олиб келади.

Бу натюрмортда иссиқ ранглар хусусиятидан фойдаланиш мумкин. Бу ранглар томошабинга яқинлашиб кетади, совуқ ранглардан ҳам фойдаланиш мумкин, улар маконга сингиб кетади. Агар биринчи режа иссиқ ранглардан, иккинчиси совуқ бўёқлардан тузилган бўлса (бу ерда режа иборада буюмларни бизни кўзимизга яқинлиги ёки аксинча узоқлиги назарда тутилган) бу талабаларнинг ишларида маконни бера олиш вазифаларини бажаришга ёрдамлашади, ён томондан ёритиш нур-соя воситалари билан нарсалар ҳажмини беришга кучли таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг

ишларидаги биринчи ва иккинчи даражали режаларни, соя ва нурларнинг кескин фарқ қилишида ҳам кўрсатиш мумкин.

Макон топшириқлари қўйилганда ранг ва бўёқ вазифаларидан ташқари натюрмортнинг таркибий қисмларини шундай танлаш керакки, биринчи режадаги нарсаларнинг ҳажми, шакли ва туси иккинчи режа ҳажмлари ва маромларидан кескин фарқ қиладиган бўлсин.

Бундан ташқари, тасвирда биринчи режа ҳажми, ранги, маъноси ва ҳоказолар бўйича устин бўлади ва унга бошқа режалар бўйсиниши лозим.

Режаларнинг ранг, ҳажмли шакллар аҳамияти бўйича бир хиллиги натюрморт композициясини таъсирчанлигини бузади.

Гулли фондаги маконли натюрморт.

Бу натюрморт нурга тўғри қўйилади. У гулли фон (тус)да томошабиндан бир оз нарида бўлади.

Талабаларнинг вазифаси натюрмортни маконга жойлаб рассомлик воситалари билан уни тасвирлашдан иборат. Бу топшириқнинг энг қийин томони шундаки, гулли тусни ўзига хос тарзда чизиш керак, токи у натюрморт билан маконга сингиб кетганича, унинг гуллари муҳитга узвий боғланиб, томошабиндан қанча масофа турган бўлса, шундай ораликда кўриниши лозим. Маконли тусдаги ҳамма натюрмортларнинг асосий вазифаси нур-ҳаво муҳити орасидаги нарсаларни бера билишдир. Талабалар амалда бўшлиқ манзара қонунларини, шунингдек нарсалар узоқлашган сари уларнинг ҳажми ўзгаришини ўзлаштиришлари керак. Бу натюрмортларда талабалар ўзлаштирган билим ва кўникмаларини мустахкамлайдилар ва маконли вазифаларни ҳал этиш борасида янада ривожланадилар. Амалда бу топшириқларни фарқи композицияни ҳал этишда кўринади: нарсаларнинг ҳажми ўзгаради, ҳамма нарсалар майдароқ бўлиб дарс хонаси интерьерига таркибий қисм сифатида узвий кириб кетади. Композиция турли нуқталардан хилма-хил бўлиб кўринади, чунки бу шароитда интерьернинг таркибий

бўлакларини: иш дастгоҳлари, тагкурсилар, эшиклар, деразалар ва ҳоказоларни яхлит ҳолда қизиқарли жойлаштириш мумкин.

Бундай ишларда ҳар қайси ўқувчининг ижодий тасаввури (фантазияси) кучлироқ намоён бўлади. Масалан: орқа режага бошқа нарсани ёки ишлаётган талабани жойлаштириш мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда шундай композиция ва тасвирнинг шундай ҳажмини топиш керак-ки, унда натюрмортни асосий бўлиб қолиши, атрофдаги нарсалар эса унга иккинчи даражали фон ва муҳит бўлиб хизмат қилиши лозим.

Интерьер бўшлиғини кўрсатишда ёритиш катта аҳамиятга эга: у нарсаларнинг ранглари ва бўёқлари талқинига таъсир кўрсатади, макон вазифаларини ҳал этишга ёрдамлашади. Чунончи, биринчи режа ёрқин ёритилганда иккинчи ва учинчи режалар интерьернинг хиралашган муҳитида қолгандек бўлади. Ҳажмнинг кичикроқ бўлиши натюрморт яхлитроқ чиқишига олиб келади: ранг ва бўёқларнинг кескин фарқ қилиши, ёруғ ва соя томонларнинг аниқ кўриниши, кучли акс беришлар – ҳаммаси бир оз камаяди. Нарсалар томошабиндан қанча узоқда жойлашган бўлса, уларга нур-ҳаво муҳити қонунлари шунчалик кучли таъсир қилади, нарса қанча яқин бўлса, маҳаллий ранг шунчалик ёрқинроқ бўлади. Бу натюрмортларда талабалар макон тусидаги вазифалар билан биринчи марта танишадилар, уларни бажариш кўникмалари ва тажрибасига эга бўладилар. Бу топшириқлар натюрморт билан интерьер ўртасидаги оралиқ ҳисобланади. Кейинчалик, буни «интерьерда одам шакли» мавзусидаги топшириқларни бажариш жараёнида ривожлантирадилар.

Натюрмортни тузиш бўйича асосий тавсиялар

Фазовий – йиғимлик ечими

Ҳар бир топшириқни қўйиш натюрмортнинг асосий мавзусига аниқ жавоб бериши, ўзига тегишли вазифаларга ўқитиладиган рассомлик санъати дастурига мувофиқ бўлиши керак. Натюрмортларни тузишда таъсирчанлик асос қилиб оlinиши керак; натюрмортни ташкил қилувчи ҳамма нарсаларни

иложи борича шакли ва муносабатлиги жиҳатидан хилма-хил қилиб олиш, унинг ҳамма таркибий қисмлари бир-биридан кескин фарқ қилиши керак. Таъсирчанликнинг асосий воситаларидан бири аниқ ва пухталиқдир. Натюрмортнинг ҳар бир белгиси, ўз олдига қўйилган вазифаси, у хоҳ асосий бўлсин, хоҳ иккинчи даражали вазифа эга бўлсин, унсурлар талабига мувофиқ ўрнаштириши керак.

Натюрмортда нарсалар кўпайиб кетмаслиги лозим, чунки ортиқча унсур асосий муҳим нарсанинг қабул қилинишини сусайтиради, умумий композиция уйғунлигига ҳалақат беради.

Натюрморт қарама-қаршилиқларнинг кескин фарқ қилишининг ўзаро таъсири асосида яхлит уйғунлик ҳолатида қурилиши керак. Натюрморт композицияси асосида унинг алоҳида қисмларининг мувозанати ётади, бунда натюрмортни ташкил қилувчи нарсаларгина эмас, балки у билан бирга тасвирланаётган маконнинг бир қисми ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир натюрмортда композицион марказ – яъни мазкур асарнинг моҳияти ғоясини ифодаловчи асосий нарса бўлиши керак. Ҳажмли шакллар жиҳатидан бу, одатда натюрмортнинг энг катта ҳажми ҳисобланиб, у барча таркибий қисмлардан устун туради. Одатда бу нарса натюрмортнинг тик ўқи бўлиб хизмат қилади. Натюрмортда асосий марказий бўёқ доғини ва унинг атрофида бўлган бошқа рангларни шундай тақсимлаб тенглаштириш керакки, томошабиннинг эътибори аввал ана шу асосий ранг доғида бўлиши керак. Натюрмортнинг ана шундай асосий ҳажмли шакллар ва рангли маркази бўлиб фақат битта нарса эмас, балки нарсалар гуруҳи ҳам хизмат қилиши мумкин.

Натюрмортнинг бутун композицияси ранг ва ҳажмли шаклларнинг муносабатлиги орқали муайян маромда қурилади, улар бир бўлиб натюрмортнинг асосий композицион мақсадини ифодаловчи ягона бир тизимни ташкил этадилар. Натюрмортларни композицион қуриш муқобиллари ниҳоятда хилма-хилдир. Чунончи, айтайлик, натюрмортдаги ҳамма нарсалар бирон-бир геометрик шакл: учбурчак, пирамида, айлана ва

хакозо шаклларини олган бўлишлари мумкун. Улар диоганал ётган ёки тикроқ турган ҳолатда ҳам бўлишлари мумкин ва ҳ.к.

Ҳар бир натюрморт муайян ёрқин бўёқларда ишланади, у мазкур топшириққа жавоб беради.

Ранглар уйғунлиги қатъий ўйланган бўлиши керак, чунки натюрмортга сингдирилган ранглар уйғунлиги талабалар ишларининг ранглар уйғунлигини белгилайди. Натюрмортнинг ўйланган муайян ёрқин ранглари вазифани яхлит жозибали чиқишга хизмат қилади.

Натюрмортга берилган рангларда ёрқин бўёқ таъкидлари яққол кўриниб туриши керак, шунингдек бу ишдаги энг иссиқ ва совуқ ранглар икки қутб сифатида барча оралиқ рангларни ушлаб туриши керак.

Натюрмортнинг энг ёрқин рангларидан энг қорасигача бўлган ранглар тузилиши худди шундай тақсимланади. Бу ранг ва тусларнинг товланиши натюрмортнинг умумий композицион қурилишига чамбарчас боғланиб, бир текисликдаги муайян таъкидларни ҳосил қилади, чизикли ва ҳажмли шакиллар билан узвий боғланиб кетади. Натюрмортнинг ҳамма ранглари аниқ «ўқиладиган» бўлиши, яъни ранг ва бўёқлар ажралиб туриши керак. Нарсаларнинг яққол кўринишига натюрмортнинг туси таъсир қилади, масалан ёрқин нарсаларни янада ёрқинроқ кўрсатиш учун қора фон ёрдам беради ва аксинча. Қўшимча рангдаги фон нарсанинг рангини таъкидлаб кўрсатади, яқинлаштирилган рангдаги фон нарсани бўшлиқдан узоқлаштиради. Фон (тус) иштирокида натюрмортларни қўйишда унинг мазмун ифодаси катта роль ўйнайди, у натюрмортни ташкил этган нарсаларнинг ранг ва тус хусусиятларини кўпроқ бўртириб кўрсатишга хизмат қилади.

Натюрмортни қўйишда макон вазифалари ўқитиладиган рассомлик дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Масалан: айтайлик узоқ маконни кўрсатиш нур-ҳаво муҳитини оқилона топиш қоидаси асосида бўлади, манзарали тусдаги натюрмортлар эса одатда чекланган маконга эга бўлади. Ҳар қайси нарса (беистисно ҳамма топшириқларда) маконда ўзининг

муайян жойига эга бўлади. Шундай қилиб, натюрмортнинг ҳамма таркибий қисмлари натюрмортнинг текис композициясига бўйсуниб, нарсаларнинг равишда жойлаштирилишида қатнашадилар.

Ёритиш ҳам натюрмортни қўйишда муҳим роль ўйнайди; хилма-хил ёритиш нарсаларнинг рангини ва тусини талқин қилинишига туб ўзгариш киритади. Чунончи, ён томондан тушадиган ёруғлик оқимтир ва қорамтир бўёқлар воситасида нарсаларнинг ҳажмини кўрсатиб бериш учун кўпроқ шароит яратади, тўғридан тушадиган ёруғлик эса манзарали тусдаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, қарама-қарши нур талабалар олдида нур-ҳаво муҳити вазифаларини қўяди.

Натюрмортларнинг композициясига тагкурси сатҳини паст-баландлиги баъзида хилма-хилликлар киритади, яъни қўйиладиган натюрморт тагкурсининг турлича баландлиги нарсаларни ҳар хил узоқликда, кичрайтириб кўриш имкониятини яратади.

Рангли ва ҳажмли шакллардан ташқари натюрмортлар ўзининг мавзулари билан ажралиб туриши мумкин.

Натюрмортнинг мавзусини унда иштирок этган буюмлар, ўсимлик ва мевалар, амалий-манзарали ва халқ санъати асарлари, одамларнинг уй-рўзғор буюмлари, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари ва ҳоказолар орқали етқазиб мумкун.

Ўқув натюрмортининг мавзулари, ижодий натюрмортга қараганда бир мунча шартли тусда бўлади.

Ўқув натюрмортларидаги нарсалар ва уларнинг ҳажмли шакллари орасидаги алоқаси ўқув мақсадидан келиб чиқади. Улар асосан, мазкур топшириқда қўйилган, муайян касб вазифаларини ҳал этишга талабаларнинг касб саводи кўникмаларини ўзлаштиришларига қаратилган бўлади. Бироқ, бу топшириқларда ҳам нарсалар алоқаси бузилмаслиги керак.

Натюрмортни ташкил этувчи ҳамма таркибий қисмлар ягона услубда сақланган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Натюрмортларни яратишда ўқувчиларни сонини ҳисобга олиш керак ва уларнинг иши учун иложи борича кўпроқ, композицион жиҳатидан қизикarli, нуқталар яратишга ҳаракат қилиши лозим. Натюрмортни тузаётганда у тушириладиган қоғоз ҳажми тўғрисида, унинг тасвири ушбу ҳажмга тўғри келиши ва қамрови тўғрисида ўйлаш керак. Ранги ва туси хилма-хил бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ранглар уйғунлиги билан бирлашган ягона ажралмас яхлит куй таратувчи жозибани ташкил этиши лозим. Сиз ҳар хил мусиқа асбобларидан таралаётган умумий куй сеҳрига бир эътибор бериб кўрингчи. Шунга мувофиқ натюрморт рангининг умумий оҳанги бир мақсадга хизмат қилиб, унинг умумий ранг аслининг моҳияти жилва сочиб туриши керак. 15-асрнинг ўрталаридаёқ флоренциялик рассом Ченнино Ченнини рассомлик санъати бўйича асарида, ўзига қараб ишлашнинг биринчи даражали аҳамияти тўғрисида ёзган эди: «Эсингда бўлсин, санъатга зафар дарвозаси орқали киришда энг яхши етакчи йўл – бу, ўзига қараб расм чизишдир. У ҳаммасидан ҳам муҳимроқдир: унга астойдил меҳр қўйсанг бўлади, айниқса расмдан бироз қониқиш ҳосил қилаётган бўлсанг».

Ўқитиладиган рассомлик дастури ўзига қараб чизиладиган расмларнинг узлуксиз қатори тарзида тузилган. У буюмларнинг шаклини, рангини ва маконни ҳал этиш бўйича бир мунча оддий топшириқлардан бошланиб, ҳажмли шаклларни ва маконни кўрсатиш жиҳатдан анча мураккаб вазифалар томон мантиқий изчиллик ила давом этади.

Композиция, ҳажмли шаклларнинг рангини бўёқлар орқали узвий боғлиқлигини етқизиш қонунларини ўргатиб боради.

Талаба олдида манонни кўрсатиш ва нур-ҳаво муҳитини тасвирлаш вазифалари туради. Ўзига қараб ишлаш тажрибаси орқали ўқувчи касб маҳоратини, буюмни аниқ тасвирлаш услубини ўзлаштира боради. Рассомликни машқ қилиш талабада уйғунлик ва манзарани тасвирлаш лаёқатини, мутаносиблик ҳисси, ижодий-ҳаёл (тахайюл) юргизишни ривожлантиради. Рассомлик таълими талабада яхлит кўриш қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради.

«Биз муайян қонунлар асосида кўрамиз. Кўришга ўрганиш ана шу қонунларни ўрганишдир, -деган эди Гёте – Нарсани тасвирий манзарага айлантиришни, яъни кўринаётган нарсани тасвирда сатҳни тўлдирган манзара сурати (картина)га айлантиришни ўрганишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси расмларнинг ўзига хос тасвирий тилини ташкил этади, бу санъатнинг алоҳида туридир».

Ўзига қараб чизиш бу, буюмнинг расмни шаклини ўхшатиш эмасдир, бу натюрмортни бўшлиқдаги бадиий ҳолатини сезиш – шу сезгини ички ҳиссиёт орқали тасвир тилига кўчиришдир. Тасвир тили у шундай тилки, бу тил нутқини фақат ижодкор шахс онгли ҳиссиёти, бадиий руҳи кучигина билиб олиши мумкин.

Сиз мусиқа эшитаётганда, ҳеч ҳам уни ёзилган «нота»сига эътибор бермай тинглайсиз, фақат шу соҳани мутахассислари уни ҳар бир нотасига эътибор бериб тинглашади. Тасвирда ҳам ана шундай жараён мавжуддир.

Реал борлиқ, унинг рангли ҳажмли шакллари ва хилма-хиллиги – бу асосий уйғун жозибалиқдир, у доимо таълимнинг асоси ҳисобланади. Унинг ёрдамида нарсанинг сурат ҳолати – хомаки нусхаси (этюди) яратилади.

«Сурат чизиш нур-соя, мутаносиблик ва узоқдан кўриниш билан бирга энг зарур ҳисобланган бўёқни, тасвир ифодасини ўз ичига олади. Ҳайкалтарошлиқда мутаносиблик худди рассомликдагидек қўлланилади. Узоқдан кўриниш, шаклларини белгилаб беради. Нур-соя тусга мувофиқ берилган ёруғлик ва қоронғиликни жойлаштириш йўли билан аниқлашни билдиради. Бўёқ тасвирга жонли ҳаёт кўринишини бағишлайди». (Э.Делакруа)

Бўёқ – сурат чизиш, уни ифодалашнинг асоси, муҳим воситаси ҳисобланади. Бўёқ тушунчаси ранглар тушунчасидан ажралмасдир ва ҳажмли шакл ясаш вазифалари билан чамбарчас боғлангандир. Амалда, хомаки тасвир устида ишлаш жараёнида, рангларнинг иссиқ - совуқлигига қараб, уларнинг ўзаро таъсири ўрганади, кескин фарқланадиган,

яқинлаштирилган ва қўшимча ранглар тушунчалари билан таништирилади, маконда бўёқларнинг ўзгариши, нарсанинг ўз рангига муҳитнинг таъсирини ўрганилади. Ҳажмли шакл, материал ва маконни рангини тасвирлаш бўёқ ва ранг муносабатларини аниқ ифодасини бериш билан эришилади. Ранг материалга сирли тарзда сингиб кетиб, нарсанинг яхлит уйғунлигида ўз ўрнини олган пайтидагина, у бўёқ бўлишдан тўхтайдди. Умумий бўёқ қурилишини аниқлаб олиш жуда фойдалидир.

Қизиқарли композицион кўринишни топгач, талаба ишнинг навбатдаги босқичи – расм чизишга киришади.

Рассомлик дастури бўёқ ва шаклнинг узвий боғлиқлигини назарда тутиб тузилган. Ҳажмли кўринишни ривожлантириш масаласи рангларни кўриш билан чамбарчас боғлиқдир.

Расм чизиш асосий қисмдан бошланади, катта предметларнинг ўйланган композицияга мувофиқ жойлаштириб, нарсаларни бир-бирига мутаносиб қилиб ва буюмларнинг ичидаги мувозанатни сақлаб чизилади. Нрсаларнинг мавқеини, хусусиятларини тузилиш чизиқлари орқали очиб берилади. Ишда тажрибага эга бўлиб, муайян кўникма ҳосил қилгач, талабалар мўйқаламда чизишлари мумкин, бундай расм кейинчалик асарнинг бўёқ – ранг тузилишига узвий боғланиб кетади.

Юқорида айтилганлардан ташқари қаламда чизилган расм яна бир муҳим вазифани – натюрмортнинг композициясини бажаради. Реалистик рассомлик санъати «табиатнинг ўзи мукаммал яратилган» деган қоидадан келиб чиқади. Табиат – бирдан-бир илҳом манбаидир. Лекин бу табиатдан нусха кўчириш кераклигини билдиради деган сўз. Бунда табиатни мукаммал қилиб яратилганлигини, нимадан иборатлигини тушуниш ва уни рассомлик ёрдамида ўз асарига кўчириш керак бўлади. Табиатда ҳеч нарса алоҳида бўлмайди, ҳаммаси бир-бири билан боғлангандир, ана шу яхлитликни тушуниш ва буюмларнинг тасвирий алоқасини кўрсата билиш керак. Аслини чизиш керак, яъни бутун ўша мураккаб тизимни туза билиш лозим,

лекин аввал кўриш, кейин эса ана шу кўрганлардан рассомлик воситалар ёрдамида яхлит уйғун асар ярата билиш талаб қилинади.

«Рассомлик катта ақлий меҳнатни талаб қилади, - деб ёзган эди Леонардо да Винчи, - чунки зарурий рассом ўз ақлини, табиат ўзининг ақлини гавдалантиришга интилади ва бунинг акси рассомни шу табиат билан санъатни ўртасида воситачи бўлишига мажбур этади, бунда биз нарсаларни қандай асбоблар асосида кўришимизни, булар қандай қонунлар асосида юз беришини ўрганиб борамиз».

Рассом воқеяликни кўради, лекин уни ўзининг гўзалликни англаши ва эстетик идрок қилиш орқали тасвирлайди. Рассом бўлиш учун «кўзга эга бўлиш», яъни рассомлик мактабидан билим олиб ўтиш керак. Кўриш, билиш ва ишлай билиш – ташқи оламни билишнинг бу уч босқичи, бевосита кузатишдан умумлаштиришга ва ундан асосий жараён ҳисобланган амалиётга ўтишдан иборат. Рассомлик санъатини эгаллаш - ҳар қандай шакл, ҳар қандай ранг ва материални, ҳар қандай маконда тасвирлай билиш демакдир. Яхлит кўра билиш рассомлик моҳиятини ташкил этади. Кўра билиш ва кўрганларни асарда бера билиш қобилиятини эгаллаш – ўзига қараб расм чизишнинг моҳияти ҳам ана шунда.

Композицияни топиб ва қаламда расм чизгач, талаба асарини бўёқда ишлашга киришади, лекин ишлашдан олдин асарнинг расм тузилишини кўриш ва ишни бўёқда қандай чиқишини ўйлаб кўриш керак. Аслида кўрилган нарсанинг тасвир ҳолатини ҳаққоний тасаввури ва унинг тасвирдаги тўғри, аниқ моҳияти ранглар уйғунлигида ҳосил бўлади. Аслидаги рангларнинг уйғунлиги нарса ёки ҳодисанинг тасвир ҳолатининг берадиган бўёқлар йиғиндисидир. Э.Делакура ўз кундаликларида бўёқ устида ишлашни шундай таърифлаган эди: «Рангларни ёрқин берувчилар, яъни тасвирнинг ҳамма жиҳатларини бир бутун яхлит қилиб бирлаштирувчи рассомлар дарҳол ва аввалдан ўз санъатларига хос бўлган, ҳамма муҳим нарсаларни белгилаб олишлари керак. Улар меъмор лой, мармар, тошни қандай ёпиштира, бўёқни шундай беришлари керак, уларнинг хомаки

ишлари меъмор хомаки режасига ўхшаб, мутаносибликни, манзара жозибасининг таъсир (эффект)ни ва бўёкни ўз ичига олиши керак».

Дастлабки босқичда манзара ва бўёкнинг ўзаро таъсиридан иборат тасвирлар рассомнинг маҳорат даражасига қараб охирги якунига бир мунча ёки бироз яқинлашиб қолади, лекин мана шу бошланиш палласидан кейин бажарилиши керак бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммасига аниқ замин қўйилади.

Талаба аввал нарсани ҳаёлида «ўйлаб» қандай ишласам экан деб, умумий ранглар уйғунлигига бўйсундирилган бўёқларнинг хилма-хил жилваларини тасаввур этишга уриниб кўриши керак.

Рассомликнинг асосий ифода воситаси ранг ҳисобланади. Ранг устида ишлаш-рассомликка ўрганиш жараёнида энг муҳим ҳисобланади. Делакруа шундай деб ёзган эди: «Картина (расм)нинг биринчи фазилати шундай бўлиши керакки, томоша қилганда, у кўзни қувонтирадиган бўлсин».

Ҳар ким рангни ўзига алоҳида қабул қилади: баъзиларга иссиқ ранглар ёқимли тўйилади, баъзиларга совуқроқ. Талаба тасаввури қанчалик нозик бўлса, у ўз асарида иссиқ ва совуқ бўёқларни хилма-хил бера олади. Бўёқлар кучи рассомлик имкониятларини белгилаб беради. Атрофимизни ўраб турган ҳар бир нарса ўз маҳаллий рангига эга (локал – лотинча «Locus» сўзидан), бироқ табиатда бу рангнинг ёритилиши нарсани маконга узоқлашиш – яқинлашиш даражасига қараб, шунингдек атрофдаги бошқа бўёқлар таъсирида доимо ўзгариб туради.

Рангларнинг ўзаро таъсирни зидлик қонуни деб номланади. У шундан иборат-ки, ҳар бир ранг ўзидан кескин фарқ қиладиган рангни, яъни ўзининг қўшимча рангини чиқаради. Рангни атрофидаги ранглар таъсирида ўзгариш хусусияти бизнинг олдимизга шундай вазифани қўяди: нарсанинг рангини топиш муҳим эмас, балки уни бошқа рангларнинг таъсирида қандай ўзгаришини топиш керак.

Асарни катта ранг муносабатлари билан кўра билиш услуби, асардаги ҳамма нарсаларни доим солиштириб чизиш заруратини таққослаб ва ундан

келиб чиқади. Рассомликда рангларнинг тўғри берилган нисбати ва шу билан бирга иссиқ ва совуқ бўёқлар ўртасида топилган мувозанати рангнинг ўз аниқлигига қараганда бекиёс даражада каттароқ аҳамиятга эга. Табиатда ҳамма нарса бир-бирига зидлик асосида, иссиқ ва совуқ ранглар кураши негизида қурилган. Бинобарин рассомнинг вазифаси, биринчидан, мазкур натюрмортда иссиқ ва совуқ бўёқлар устунлигини аниқлаш, иккинчидан, уларнинг аниқ нисбатини топиш ва бу рангларни ўз асарининг ёрқин бўёқларида мувозанатлаштиришдан иборат бўлади. Ишни ранг ва бўёқ жиҳатидан энг аниқ доғлардан бошлаш керак, мураккаб доғларни ишнинг кейинги босқичларига қолдириш керак. Ранг устидаги ҳамма иш, тусни ўрганиш топшириқлари билан яқиндан боғланган. «Тус – бу мазкур бўёққа сингиб кетган ёруғлик миқдори демакдир» - деб ёзганди Г.Шегаль. Тусни аниқ топа билиш маҳорати ҳар қандай рассом учун зарур бўлган биринчи шартдир. Ёрқин ранглар етишмаса иш бўш чиқади, қўполликка йўл қўйилади. Шунинг учун асарда керакли ёрқин рангни топиш аслидаги барча мураккаб муносабатлар натижасини тўғри англаш демакдир. Этюднинг катта ранг ва тус муносабатларини кургач, талаба ишнинг навбатдаги босқичларига ўтади. У шаклни нур-соя қонунлари асосида, бўёқ бериб ишлаш, ёнидаги бошқа бўёқлар таъсирида рангни ўзгартириш, нарсани муҳит орасига жойлаштириш ва чизикли манзара, ҳамда ҳаво бўшлиғи ёрдамида маънони кўрсатиш каби вазифаларни бажаради. Ҳар қандай нарса ҳаётдаги ўз ўрнидан келиб чиқган ҳолда, унинг шакли атроф муҳитдан ажратиб туради. Нарсанинг ҳаётда мавжуд бўлган ҳажмли шаклини мўйқаламда тушириладиган ранг текисликлари ёрдамида яшаш мумкин. Бу текисликларнинг ҳар қайсиси ўзининг нозик фарқига эга бўлиб, талабаларга шаклни пухта ўрганиб, у ёки бу ҳажм нима учун айнан шундай шаклга эга эканлигини тушуниб чиқишга имкон яратади.

Мўйқалам тартиб бўёқ беришнинг ўзи бўёқли текисликни кўрсатади, унинг катталиги мўйқалам ҳажмига боғлиқ. Рангтасвир устида ишлаётган талаба ҳажмли шаклнинг рангини беришдан аввал уни бу жиҳати атроф

муҳит шароитидаги нарсаларнинг шаклини кўрсатишга хизмат қилиши кераклигини ёдда тутиши лозим. Рассом буюмни тасвирлар экан унинг шаклини ва ҳажмини ҳис этиши ва мўйқалам билан ишлаганда ана шу шакл сиртидан юргандек бўлиши керак. Шундай қилиб, мўйқалам тортиб бўёк бериш шакли, унинг йўналиши ва характери, нарсанинг шаклига, уннинг сиртининг тузилишига боғлиқдир.

Рассомликда нур катта аҳамиятга эга бўлиб, биз совуқ рангли нурни булутли кунда, иссиқ ранглигини эса қуёшли, иссиқ кунда, қуёш ботаётганда кузатишимиз мумкун. Рассом ўз ишида нурнинг иссиқ-совуқлиги муҳум ўринга эгалигини ёдда тутиши керак.

Нур ҳар бир нарсанинг рангига жонли таъсир кўрсатади. Агар буюм совуқ нур билан ёрилган бўлса, у, «бир-бирига зидлик» қонуни бўйича, сояга иссиқ ранглар бахш этади, борди-ю иссиқ нур билан ёритилса, буюмнинг сояси совуқ кўламча ҳосил қилади.

Шаклни рассомлик воситаларида кўрсатишнинг асосий қонуни иссиқ-совуқлик, яъни икки манба – иссиқлик ва совуқликнинг тўхтовсиз кураши ҳисобланади, уларни сезиш қийин бўлган қарама-қарши кураши бир-бирига оқиб ўтади.

Нурланиш акси таъсирида жозибалашадилар. Иссиқ-совуқлик шаклини бўёқ билан беришнинг асосий қонуни ҳисобланади, чунки ҳар бир нарсанинг ранги ёруғда ва сояда бир хил эмас; оч рангда акс эттирилганда у шакл билан чамбарчас боғланган бўлади ва шакл билан бирга ўзгаради.

Рассомликнинг бутун сири – соя ва оч рангларда. Ёруғлик умумий ранглар уйғунлигини фақат тўлдиради. Соя ва ярим соялар олтин ва кумиш балиқлар жилва қиладиган аквариумдир. Рембрант соя ва оч ранглар аҳамиятини тушуниб, уларга ишлов беришга алоҳида эътиборни қаратган. Ундаги ранглар уйғунлигининг сири ана шундадир.

Натюрмортдаги бўёқларнинг тасвирий мувозанатида ёритишнинг мавқеи (характери) катта роль ўйнайди. Ёритиш энг кўп акслар беришга ёрдам қилиши керак. Бўёқлар акс бериши туфайли нарсаларнинг атрофида

муайян нур-ҳаво муҳити шшакилланибгина қолмай, балки улар ўзаро узвий боғланиб кетади ҳам. Бу ҳол ҳар қандай композиция учун зарурдир. Нарсалар жойлашган муҳит, у ёки бу ҳолда ёритиш, акс бериш туфайли нарсаларнинг ранглари биригбирига таъсир кўрсатиши бу шароитларнинг ҳаммаси қўшимча рангларнинг ўзаро таъсирида янада бойиб мураккаблашади. Ён-атрофдаги нарсанинг рангли акс этишини пухта тасвирлаб кўрсатиш рассомликда уйғунлик ва яхлитликка эришишнинг энг зўр воситаларидан бири ҳисобланади. Узоқдан кўриниш (перспектива) конунларига кўра натюрмортнинг ўлчамлари бўйича тўғри жойлаштиришни, маконда бўёқнинг ўзгаришини ва нарсаларнинг муайян муҳитда жойлашишини бера билиш керак.

Натюрморт устида ишлашда туснинг рангларини ифодалаш катта аҳамиятга эга. Тусни тасвирланаётган нарсанинг бўёғига қарама-қарши қўя билиш ҳажмли шаклни кўрсата олиш имкониятигагина эмас, шунингдек макон узоқлигини тасвирлашга ҳам боғлиқдир.

Шаклга бўёқ бериш ишларини ҳисобга олиш, иш бошида натюрмортни маконга оид куюқроқ ранглар билан қоплаб олиш ва шу каби бошқа вазифалар чизиш жараёнида мураккаблашиб боради. Бўёқ қайси вақтда бўёқ деб аталиши мумкин? У қачонки яхлит нарсанинг уйғунлигида ўз ўрнини тасвир таркибида эгаллаб, хом ашё (материал)га ўтган пайтда.

Иш давомида тасвирланган ранг ва бўёқларнинг тўғрилигини текширилиб бориши керак. Топшириқ таққослаш йўли билан амалга оширилади, яъни ҳамма соялар соялар билан, ҳамма оч ранглар оч ранглар билан солиштирилади ва ҳоказо.

Солиштириш учун яқинлаштирилган ранглар танлаб олиниши керак. Бунинг учун ёруғлик кучига ва рангга бўялганлигига қараб бир-бирига яқин ранг бўёқ алоқаларини нозик боғлаб, унинг ҳамоҳанг тафаввутларини ахтариши лозим, бунинг учун яхлитликни текшириш мақсадида доимий машқ қилиш зарур. Кўрганда ҳам бир вақтда асли (натура)ни ва унинг нусхасини кўра билишдир.

Ҳамма тузатишларни бажариб бўлгач, ишнинг охириги босқичига - умумлаштиришга, ўзининг ранг ва бўёқлари жиҳатидан уйғун бўлган тасвирни яратишга киришилади, бунда айрим бўёқлар ранглар яхлитлигига келтирилади ва бир-бири билан яхлит боғланади. Нарсаларнинг бўлакларини пухта ишлашлаб, таҳлил орқали умумий уйғунлиликга, жозибалиликга келтириш йўли билан иш охирида эришилади. Бутун ишнинг услубий коидаси умумийликдан алоҳидага ва яна умумлаштиришга келишдан иборатдир.

Бутун санъатнинг асоси унинг уйғунлигидир. Тасвир устидаги ишнинг якун босқичда бўёқ ва пластик уйғунлигини яратишга интилиш лозим, бундай уйғунлик асарни бадиий ифодали чиқишини таъминлайди.

Поль Гоген ўзининг «Аввал-кегин» китобида шундай деб ёзган эди: «Зиддиятни эмас уйғунликни, тўқнашувни эмас ҳамоҳангликни изланг... Сизда ҳамма нарса осойишталик ва руҳий тинчлик билан нафас олсин».

Ҳамма рангларнинг нисбати топилганда, асарда бўёқларнинг жонли жилваси пайдо бўлиши, мусикий оҳангдошликка ўхшаш уйғунлик бўлиши керак. Натижада қоғозда аслининг айни нусхаси эмас, балки бадиий ифодаси бўлган иккинчи ҳаёт жонланади. Муайян ёрқин ранглар ишланган натюрмортга яхлит бўёқларнинг жозибасини беради. Натюрмортнинг ёрқинлиги аслидаги рангларнинг бойлиги ва талабанинг ана шу аслидаги бой рангларни кўра билиши ҳамда тасвирлай билиши билан белгиланади. Нафислик, келишганлик, мутаносиблик ранг-тасвирни асосий либоси бўлмоғи керакдир.

Ишни тамом қилингандан сўнг, талабалар ишларидаги ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилувчи кўрик ўтказилади. Ўқитувчи мазкур топшириқ бўйича талабалар билан яқинловчи суҳбат ўтказди. Тугалланган ҳамма ишларни кўздан кечирадилар, айрим ишларнинг фазилати ва камчилиги, ҳар қайси ўқитувчининг умумий услубий йўналиши муҳокама қилинади.

Инсон - деган азиз номга урғу беришимизнинг боиси шунда-ки, улуғ инсон, улуғ ижодкор деган номга содиқ бўлиш керакдир. Шу тарзда маданият саройларининг юксак савияда қурилиши оддий кишиларнинг дид ва тафаккурларининг ривожига учун манба бўлади, бу ижоджорларнинг юксак парвозлари учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳалқимизда бир ибора бор, «Бирини кўриб шукр қил, бирини кўриб фикр қил». Ўқитиш жараёнида шу нарсага яна бир-бир амин бўлдики, ўқитиш методикаси, амалий ишлар билан бирга, уларни ривожига ва бадиий даражасига устида ҳам фикр юритишимиз ҳозирги замон талаби бўлиб қолади. Чунки тараққиёт кундан кун ривожланиб, юксалиб бормоқда.

Сув – бўёқ техникаси ва унинг асоси

Абу Наср Фаробийнинг касб-ҳунар эгаллашга бағишланган қўйидаги фикрини эслаб ўтиш ўринлидир:

«... Кимки энг гўзал ва фойдали нарсани кашф этиш фазилатига эга бўлса кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг истаги ва бошқа бировнинг истагига мувофиқ бўлса ёки уни бошқаларнинг хоҳишига мувофиқ деб гумон қилинса, кашф ёки ижод этилган нарса ҳақиқатан хайрли ва фойдалидир». Мазкур фикр ҳар бир ҳунарманд юрагидан жой олган.

Акварель тасвир - сувли бўёқлар билан ишланадиган тасвирий сурат турларидан бири ҳисобланади. Акварель қадим замонлардан маълум эди. Миср папирусларида, Моварауннаҳр мўъжаз (минатюра) тасвирларида ва Византия миниатюраларида ҳам акварель ишлатилган. Дюрер аквареллари ўрта асрлардан буён маълум. Уйғониш давларида акварель кўпинча фрескаларга ва дастгоҳли санъат асарларига ҳомаки сурат (эскиз)лар ишлаш учун фойдаланилган. Ҳозирги кунгача Бехзод, Рафаэль, Рубенс ва бошқа рассомларнинг акварель бўёқ билан ишлаган расмлари сақланиб қолган.

12 асрда ижод қилган Озарбайжонлик минатюрочи ва хуснихат устаси Содиқбек Афшарий ўз тажрибаларининг тарихи китобида сувли ранг-бўёқлар ҳақида шундай ёзади: «Агар сен, сувли бўёқ тайёрлаганинда, елим кам қўшилган бўлса, бундай рангбўёқ қуригач тўкилиб кетади, борди-ю елим

хаддан зиёд кўп қўшиб қўйилган бўлса, ранг бўёқ қуриб елим юзага чиқиб қолади. Демак, меъёрини топиб олишинин керакдир». «Қўлёзма китобларни безаш»(13-18 аср) китобида Содикбек яна шуни маълум қилади: «Агар ишингни кимдир ёғли қўли билан ушлаб олди дейлик, сен уни аста-секин суякдан олинган елим билан ювиб ташлагин ва қуригач устидан ўша аввалги ранг бўёқ билан қопла, ранг бўёқ ўз аслига келгандан сўнг текислаб қўй».

Ёғли доғларни олиб ташлайдиган яна бошқа усуллар ҳам бор деб ёзади 16-17 аср хуснихат устаси Мир Имад Казвин «Одаб ул-машқ» номли китобида: «Озгина ўлмаган оҳакни олиб, доғ бўлган ерга сепилади, устидан тоза оқ қоғоз қўйиб, текис тош билан бостириб қўйилади, қарабсиз-ки, биров вақт ўтгач доғли жой ўз аслига келиб қолади». Булардан бизга шу нарса маълумки, сувли бўёқлар билан Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан мулоқатда бўлганлар, аммо диний ақидаларни нотўғри талқини туфайли, ранг-тасвир давомчилари камайиб кетган. Европада 17-асрдан бошлаб, акварель аввал Англияда, 19-аср бошидан эса Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам рассомликнинг мустақил тури бўлиб қолади. Акварель рассомлиги Россияда жуда бой анъаналарига эга. У Россияда 18-асрда пайдо бўлади. 19-аср бошидан эса А.А.Иванов, К.И.Брюлов, Федотовлар асарларида юксак даражада ривожланади. 1880 йилда Россияда биринчи «Акварелчи рассомлар жамияти»га асос солинган эди. Бу жамият ҳар йили акварелчи рассомларнинг кўргазмаларини ўтказиб туради. Рус рассомчилигининг И.Е.Репин, И.Суриков, А.Серов, М.А.Врубель, И.Левитан каби ажойиб усталар санъатнинг турли жанрларида акварель рассомчилигининг дурдоналарини яратганлар. 19-аср охири 20-аср бошларида акварель рассомлигида хилма хил ижодий оқимлар жуда кўп эди. Улар ҳаммаси бир бўлиб, Россия акварель мактабини ривожланишга таъсир кўрсатганлар. Бизнинг давримизда акварель мустақил яхшигина ишлаб чиқилган хом ашё ҳисобланади. Бугунги кунда ўзбек рангтасвир усталарининг кўпчилиги акварелда ижод намуналарини яратмоқдалар.

«Акварель кўзни аниқ бўёққа, кўлни тўғри ва дадил мўйқалам тортишга, ақлни эса ранг қонунларини ҳисоб-китоб қилиш ва чуқур тушунишга ўргатиши керак»,- деган эди П.П.Чистяков. Биринчи курсда ранг тасвирни ўргатиш акварелдан бошланади.

Акварель билан ишлашни яхши мустаҳкам қоғозда амалга ошириш лозим, қоғоз албатта планшет (тахтача)га тортилган (елимланган) бўлиши керак.

Иш катталиги одатда 60 х 80 см ҳажимдаги қоғоз варағида бўлади. Акварель қоғози маҳкам бўлиши, бир неча қатлам суртиб расм солишга чидаши, юваётганда бужмайиб кетмаслиги керак. Юпка, сувни ўзига оладиган қоғоз акварелда узоқ ишлаш учун ярамайди. Акварель рассомлиги учун энг яхши маркали қоғоз «торшон» ҳисобланади.

Акварель мўйқаламлари майин, ўткир учли юмшоқ бўлиши керак. Улар учун колонок жунги энг яхши ашё ҳисобланади. Акварель бўёқлари сувда эридилар. Бу ҳол юпка қоғозга ишлов беришда унга алоҳида тиниқлик бағишлайди. Агар қоғоз сиртига бир мунча тўқ ранг берилса акварель иш бузилади.

Акварель усулидаги яна бошқа бир қийинчилик - акварелда кўп қатлам бўёқ суртиб уни тузатишдадир. Иш қатъян муайян тартибда олиб борилиши керак. Олдин бир мунча ёруғ ранглар берилиб, улар очик қоладилар. Кейин аста-секин тобора тўқ ранглар берила бошланади. Тузатишлар қилмаслик учун тасвирни аниқ чизиб, иш пухта ўйланган ҳолда олиб борилиши керак. Ёруғ жойларда бўёғни ниҳоятда аниқлик билан олишга ҳаракат қилиш лозим. Ишнинг асосий ранг бўёғини аниқлаб олиш учун, уни кичикроқ ҳажмда бўёқда дастлабки этюдини қилиб кўриш лозим. Бундай этюд узоқ давом этадиган ишда ранг ва бўёқларни бир мунча аниқ топишга ёрдам беради.

Акварелда узоқ ишни услубий олиб бориш учун лессировка (қуриган жойларга юпка бўёқ бериш) усули қўлланилади. Лессировкадан фойдаланиб бирмунча аниқ рангларни топиши мумкин, бунда бир бўёқ қатлами устига

иккинчиси усталик билан қоплаб берилади. Бўёқ ифлосланмаслиги учун уч хилдан ортиқ бўёқни аралаштирмаслик керак.

Бу ҳолатда лессировка усули ёрдам беради. Лекин лессировкани ишлатишнинг махсус тартиб қонунлари бор. Лессировка усули бўёқлар тиниқлигига асосланган, ана шу тиниқлик туфайли улар тагигача кўриниб туради. Бу ҳислат ранглари зўрайтиради. Лессировка – бу умумлаштирувчи, ёрқин акс беришларга тўла ранглар уйғунлиги усули, айниқса у очиқ ҳаво - табиат манзараларида юмшоқ фазо (бўшлиқ), план (режа)ларни тасвирлашда кенг қўлланилади.

Этюд устида ишлаш пайтида баъзан айрим жойларни ювишга ёки рангини юмшатишга тўғри келади. Бунинг учун губка (юмшоқ ишқалагич) ишлатилади. Лекин тузатишларга ҳам эҳтиёжлик билан муносабатда бўлиш керак, акварель асарнинг янгилигича, бўёқ қатламни тиниқлигига путр етказмаслик лозим (акварель озодалиги билан чиройли). Акварель усулида ишни деталлаштириш ҳам осон эмас.

У бадий тасаввурда аниқликни, ранг беришда ниҳоятда пухталиқни ва нарса ҳажмли шаклни зўр билишини тақозо этади.

Тафсилотлар енгил туширилиши, улар аниқ, ишончли чиқиши керак.

Ана шундагина у нарсанинг бадий таъсирчанлигига жавоб беради. Тафсилот бўёғи жуда аниқ бўлиши лозим, чунки акварель усулида тузатишлар қилиш мумкин эмас. Буюмни бир йўла бўёқ бериб ишлашга ҳаракат қилиш лозим. Бир неча йўл қайта тузатилган жойлар, ўзининг ўткир тасвирий ранглари йўқотади, бу ҳол бутун ишнинг сифатини бузади.

Қисимлаштиришнинг техник усули, мўйқаламни тортиб бўёқ бериш ҳисобланади. Мўйқалам тортаётган бўёқнинг рангидан ташқари унинг йўналишига ҳам эътибор бериш лозим. Шаклни кўпроқ таъкидлаш учун ингичка чизиқ ишлатилади. У мўйқаламнинг ўткир учида берилади, унинг ёрдамида ишдаги майда деталлар тасвирланади.

Акварелда қисқа муддатли этюдлар учун «хўллигида» ишлаш усулини қўллаган яхши. Бу усулда тасвирланиш жиҳатидан жуда қизиқарли иш чиқади, бўёқлар таъсирчан қўйилган бўлади.

Бу усул бир бўёқ қатламини иккинчисига қўйиш қондасига асосланган бўлиб, нозик ранг ёғдуларининг жилосини мужассамлаштиради. Акварель усули бу ишни тез бажариш ва рангларни яхши сезиш билан биргаликда олиб бориладиган иш усулидир.

Акварелни яхши билиш бу ишни яхши чиқишига кафолат бўлиши демакдир. Акварель бўёғида ишлаш жуда завқли, унинг жилваси ишлаётган рассом жилвасига, унинг чехраси очик бўлишига бир ишорадир.

Акварель усулида ишни деталлаштириш ҳам осон эмас.

У бадий тасаввурда аниқликни, ранг беришда ниҳоятда пухталиқни ва нарс ҳажимли шаклни зўр билишини тақозо этади.

Расм солишнинг қадимий усули, акварелнинг турларидан бири сифатида маълум бўлиб 16-аср ўрталарида ижод қилган рассом Паоло Пано томонидан биринчи марта ишлаб чиқилган. Бизнинг замонимизда у яна оммалашиб кетди, махсус гуашь бўёқлар ишлатиладиган ёки гуашь белгилари қўшиладиган акварел рассомлиги сифатида тарқалди. Гуашь акварелга ўхшаш сувли бўёқларнинг ўзи, лекин унинг бўёқлари ялтирамайди, устама-уст ишлашида қопланадиган ҳисобланади. Гуашь билан ишлаганда ранг яхши чиқмаган жойларига, ранг бериб бўяб қўйиш мумкин.

Лекин гуашь таркибида белила кўп миқдорда бўлганлиги учун улар қуриганда ўз тусини ўзгартириб оқаринқираб қолади. Гуашнинг бу хусусияти ишлашда катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун унинг қанчалик оқариб қолишини аниқ топа билиш лозим. Гуашда ишлаш жараёнида малака ортириши оқибатида бу вазифани уйдасидан чиқиш мумкиндир. Гуаш билан худди акварелдагидек суюқ қилиб бўяш мумкин, лекин гуашдаги ҳамирсимон ҳолат ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб қилади, чунки бўёқнинг қалин қатлами ёрилиб кетишига мойил бўлади. Бундан

ташқари хамирсимон ҳолатда юқори қатлам пастки қатламларни ювиб юбориши ва улар билан аралашиб кетиши ҳам мумкиндир.

Гуашь сувда осонгина кетади. Гуашнинг ана шу хусусияти учун куриган жойларга юпка бўёқ бериши мутлақо мумкин эмас. Гуашь усулида ишлаб манзараларни таъсирчан чиқариш мумкин, ранг умумлашмаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Расм ишлаш гуашнинг хусусиятларини тўғри нур билан ёритилган манзарали тусдаги натюрмортларда тўлиқ намоён этса бўлади.

Катта макон бўлмаган шаклга кучли бўёқ бериш ва нарсалар маконда кўмиб ташланмаган ҳолларда ундан фойдаланиш самаралидир.

Бундай натюрмортларда гуашнинг имкониятлари асарнинг манзара жиҳатидан таъсирчан ва мутаносиблик вазифаларининг аниқ ва лўнда бажарилишига мос тушади. Шунингдек гуашь бўёқдан театр-рассомчилигида, плакат-графикасида жуда унумли фойдаланиш мумкин.

Гуашдан асосан хомаки вақтинча безак вазифасини ўтовчи васита сифатида, китоб графикасида унумли фойдаланиш мумкин. Ўқитиш жараёнида шу нарсага яна бир-бор амин бўлдик-ки, ўқитиш методикаси, амалий ишлар билан бирга, уларни ривож ва бадиий даражаси устида фикр юритиш, ҳозирги замон талаби бўлиб қолди. Албатта биз яратаётган ранг-тасвирлар, чизгилар, доимо безак бўлавермайди, айримларигина бу талабга жавоб бериши мумкиндир. Дизайинчи талабалар курс лойиҳаларида хилма-хил интерьерлар, чизгиларини яратадилар. Агар уларга ҳар тарафлама бадиий талаб доираси кенглигини ўргатсак албатта улар ҳам иш жараёнида, ижодда янги қирраларни очишга ҳаракат қиладилар. Шундай мақсад асосида рангтасвирни, ранглар муносабати, сувли бўёқлар асосини қачон, қай пайтда фойдаланиш мумкинлигини билиб олиш керакдир. Рантасвир асосан ишни кўрсатадиган тадбирлардан бири эканини унутмаслик керакдир.

Перспективанинг ранг тоналлиги.

Перспективанинг ранг тоналлиги, рассомнинг фикрича шуни исбот қилиши керак-ки, биз тасаввур қилаётган форма, унинг ҳажми ва рангидан катий назар, кўзимизга кўринишини ўзи ажойибдир. Демак тасвир ҳаётдаги бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг шундай, ёритадики у худди рассомнинг тасаввури туфайли амалга ошаётгандек бўлиб туйилади. Тасвирий санъат рассомлари кўп йиллардан буён шунга иқдор бўлдилар-ки, яралган борликдаги бирон бир нарсани инсон тафаккуридан четта қолмагандур. Перспектива қоидалари яралганига 5 асрдан ортиқ вақт ўтди-ки уларнинг ўз кўринишлари ва методларини қандай бўлса, шундайлигича сақлаб келмоқдалар.

Кўз кўрган барча ҳодиса ва воқеалар рассом кўзидан ҳеч маҳал четда қолмаган. У бу расм ва рангтасвирларни бир системага солиб, ўз мавқеини тиклаш ва қоида ва қонунлар яратиш устида иш олиб бормоқда. Рангтасвир ҳақида Леонардо да Винчи шундай деб ёзади: “Рангтасвир перспективанинг онаси. Буни иш жиҳатидан тўғри деб айтишимиз мумкин-ки, шунинг учун перспектива назарияси рассомларнинг иш фаолияти билан боғлиқдир”. Ўзгариш қонунларининг таъсири натижасида, шу нарсани маълум бўлди-ки, одамни тасвирий ифодасида бир-биридан узоқлашган буюмлар кичайиб боради. Бу чизиқли перспектива деб атади. Бу ерда у шуни амалда тутиши керак-ки, ҳаво қатлами қуршовида нарсаларнинг усти бир-биридан ранг жиҳатидан фарқ қилинади. Бунда ҳаво перспективаси ёки ранглар перспективаси тшунчалари вужудга келадилар. Яна шуниси ажойиб-ки, чизиқли перспектива қоидалари, ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб иш бериб келмоқда. Леонардо да Винчи назариясига қараб иш тутадиган бўлсак, расм ва рангтасвир асарлари чизиқли ва ҳаво перспективасига бўййин эгади. Улардаги қисқаришлар ва ўзгаришлар қондлар асосидадир.

Перспектива – бу предметни чизиш қондаси. У фазодаги ўзгаришлар, қисқаришлар натижасида юзага келади. Геометрик буюмларни перспектива

конунлари ёрдамида қисқаришини тасвирлаш рассомнинг асосий мақсадларидан бири, чунки бу қисқаришларсиз буюмларни фазодаги ўрнини тасавур қилиш кийин. Шунини эътиборга олиш керак-ки, ижод жараёнида рассомлар перспектива конунларига амал қилиб, ундаги ўзгаришларга ўз дунё карашлари орқали бўйин эгадилар.

Ранг айланасининг қондаси.

Оқ ёруғлик мураккаб тузилган, у кўпгина оддий нурлардан ташкил топган. Бу нурларнинг бизга турли рангда кўринишига сабаб шу-ки, кўз тўр пардасидаги шакллари турлича бўлган колбача ва таёқчалар деб аталадиган ёруғлик сезгирлари орқали ҳар-ҳил қабул қилинади.

Колбачалар туфайли биз атрофни рангли кўрамыз, улар рангни кўриш аппарати ҳисобланади. Ранг сезиш қобилияти одамларда турлича бўлади. Баъзи одамлар, масалан қизил ранг билан яшил рангни яхши ажрата олмайдилар. Рангни сезмайдиган одамлар камдан-кам учрайди. Улар ҳаммаси нарсани қора-кулранг ва ёруғ тусларда кўрадилар. Ранг тасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил қилади. Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларни табиатда ҳосил бўлиши ва тарқалиши масалаларини, уларнинг атроф-муҳит таъсирида ўзгариб кўринишини, бўёқларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўллариини ўргатади. Ўрта Осиёда ранглар таълими қадимий китоб минатюраси, наққошлик, фреска ва панноларни ишлаш билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Чунки мусаввирлик ҳунари ранг танлаш ва уларнинг тайёрлаш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳар бир шогирд, аввало, ранг тайёрлаш сирларини ва шу ишга боғлиқ кимёвий жараёнларни ўргангандир.

Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиши ва унинг тарқалиш ҳодисалари қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Махсус асбоб-спектроскоп ёрдамида кўплаб аниқ ва равшан спектрларни ҳосил қилиши мумкин. Спектр рангларини ёмғир ёғиб ўтгандан осмонда пайдо

бўладиган камалакда, фавворалардан отилаётган сув заррачаларида кузатиш мумкин.

Спектр ранглари қайта бир жойга тўпланса, оқ ёруғлик ҳосил бўлади. Гёте ранглар ҳақидаги “Таълимот” номли асарида рангларни илиқ ва совуқ тусларга ажратиб, илиқ (сарғиш-қизил) ранглар кишида кайфи чоғлик туйғусини, совуқ (ҳаво ранг-яшил) ранглар эса, маъюслик туйғусини уйғотиши ҳақида ёзган. Ранг муаммоларини ўрганишга япон олимлари ҳамиша жиддий қарашган. Ҳозир ҳам дунёда ягона бўлган Токио Ранг институтида инсон калбига рангларнинг таъсир этадиган табиат ходисаси атрофлича ўрганилади. Рангларнинг номини ифода, яъни уларнинг бирсини - қизил, иккинчисини - кўк, учинчисини - бинафша ва ҳоказо деб аталишига асос бўлган белгиси ранг тони деб номланади.

Демак, рангнинг тўйинганлиги деганда унинг кул рангга нисбатан рангдорлик даражасини, тозалигини тушиниш керак.

Спектрни синчиклаб кузатсак, унинг энг чеккасидаги қизил ва бинафша рангларининг орасида ўхшашлик аломатларини сезамиз, иккала ранг бир-бирига қўшилса уларнинг оралиғида қирмизи ранглар ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган рангни қизил ранг билан бинафша рангнинг ўртасида жойлаштириб спектр туташтирилса, ҳалқа келиб чиқади. Бунинг рангшуносликда ранглар доираси деб юритилади. Ранглар доирасида қизил, қизғиш зарғалдоқ, сариқ, сарғиш яшил, яшилталаб зангори, ҳаво ранг, кўкимтир ҳаво ранг, кўк, кўкимтир бинафша, қирмизи рангларнинг ҳар хил туслари кўринади. Ранглар доирасида ранг туслари жуда кўп бўлиши мумкин. Лекин кўзларимиз уларнинг 150 тага яқинини ажратишга қодир.

Ранг доираси икки тенг бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарғалдоқ, сарғиш яшил (пистоқи) ранглар, иккинчи ярмида эса яшил ҳаво ранг, феруза, зангори, кўк, бинафша ранглар жойлашади. Бу фарқланиш нисбий бўлиб, ҳар қандай илиқ ҳам ўзига нисбатан илиқроқ....

Колорит тушунчаси.

Колорит бу ишланган ишни бадий натижасидир, у ишни кўрсатувчи асосий омилларидан бири ҳисобланиб, унинг қай жиҳатдан афзал эканилигини кўрсаткичиси бўлиб хизмат қилади. Ишни сифати ва асоси ҳам шундадир.

Колорит бу расмни ишга бўлган ёндошуви, унинг асосий ранг билан ишлаш усули, (совуқ ранг ёки иссиқ ранг) ва ҳақозолар бўлиши мумкин. Колорит тушунчасига рассомни иш фаолияти киради, у қандай ранг танлайди - асосий иш ана шунга ҳам боғлиқдир.

Демак, рассом томонидан қўйилган буюм ва шакллар мажмуаси, ранги ва сифати, қайси фонга боғланганлиги (иссиқ фон ёки совуқ) буларни ўрни албатта ишга таъсир кўрсатади.

Колорит бу тушунча ишга боғлиқ; рассом ўз асарининг ранг-бўёқларини танлаганда, ишни колоритини ҳосил қилади. Кўпчилик “колорит” деганда “ранглар жилосини” деб тушунишади. “Колорит” тушунчаси бу иш фаолияти рангларга нисбатан олинганлиги, ранглар уюшмасини тузилишига боғлиқ, нисбий тушунчадир. Колорит ранг тузилишига қараб, ўз номига эга бўлган ранглар уюшмасига боғлиқ тушунчадир.

Натюрмортни акварель техникасида бажариш

Расм – 14.

1. Таҳминий расмни предметнинг компоновкалари билан бажариш, предметларнинг пропорцияларини, конструктив тузилиши ва характерини аниқлаш.

2. Дастлабки чизишда йирик предметларнинг **тонал-ранглар** муносабати ва натюрмортнинг колористик ечимини ҳосил қилиш учун фон белгилаб олинади.

3. Ранглар ечими ҳал бўлгач, тезгина тони, ранги ва иссиқ-совуқлиги берилади.

4. Ҳар бир предметда шаклдан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ёруғлик, ярим тон, соя, рефлекс белгиланади.

5. Фонларни тушириш ва драпировка қилиш ранглар ва тонларнинг енгилгина ўтишлар орқали кенгқамровли заливкалар билан бажарилади.

6. Олдинги план предметларининг шакллари моделилаштириш, бу эса деталларни мазкалар билан ёпиштириш воситаси орқали уларни олдинги планга силжитиш учун зарур бўлади.

7. Тон ва рангларнинг бирданига контрастлигига йўл қўймаган ҳолда ундаги ўтишларнинг енгиллиги, юмшоқлиги ҳисобига орқа планни тизимлаштириш.

Иш пайтида асосий эътибор ёруғлик таъсири остида предметларнинг рангларининг ўзгаришига қаратилади, яъни бу натюрмортнинг колористик ягоналигига катта таъсир кўрсатади, предметларнинг рангини мураккаблаштиради, бойитади.

Натюрмортнинг олдинги плани ҳам кўпроқ эътиборни талаб этади. Унга пластик маънода аниқ равшан ишлов берилиши керак, ранглар билан шакл бериш, композицияга киритиш учун ёруғликни аниқлаш керак.

Ишнинг якуний қисмида натюрмортнинг умумий тонал-ранглар ва пластик ҳал этилишига аниқлик киритиш, унга хусусийликни бўйсундириш – яъни ортиқча ёрқин ва турли хил доғларнинг, контрастлик ва бир бутунликни бузувчи доғларнинг йўқлиги ёки аксинча жарангдорлик, рангларнинг тўйинганлиги, контрастликнинг йўқолиб қолмаганлигига иқдор бўлиш учун яна бошқатдан қайтиш зарур, чунки буларнинг ҳаммаси тасвирнинг ифодалилигини бузади.

Умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан умумийликка – натюрмортнинг кўпроқ ифодалилигини қидиришнинг йўли шундайдир.

Натюрморт – рассомликнинг алоҳида мавзуи бўлибгина қолмай, у рассомнинг бошқа ҳамма шакллари: мазмунли композиция, портрет, манзара, интерьерлардан қолишмайдиган тўлиқ ва мазмунли бўлган сурат шаклидир. Борлиқ қиёфасини ўзида яхлит, тугал акс эттирган санъат асари хамиша

катта бадий мазмунга эга бўлади, шу билан бирга унинг моҳияти ташқи мазмуни билангина чекланиб қолмайди.

Натюрморт устида ишлаётган рассом руҳий нуқтаи назаридан энг арзимас икир-чикирларни ҳам тасвирлайди, умумлаштиради, нарсаларга шакл бераркан, бир нечта нарсани оддий таққослашга нисбатан уларни чуқурроқ тассаввур этиб, муайян мазмун бағишлайди. Шунинг учун ҳам санъатнинг бошқа турларига нисбатан рассомликнинг бу соҳасида ҳам даврни ҳис эта билиши талаб қилинади, ҳис этганда ҳам баъзи ўринларда ёрқинроқ ва аниқроқ ҳис этиш керак бўлади.

Нарсалар олами – инсон олаmidан иборат, бу оламки инсон ўз қўли билан яратган, шакллантирган. Бу эса кўриниши жиҳатидан оддий туйилган натюрмортни чуқур мазмунли жанрга айлантиради.

Х О Т И М А

Олий ўқув юртида рассомчиликка ўргатиш бир йўла тўрт йил давомида расм чизиш, ҳайкалтарошлик, композиция ва бошқа махсус ҳамда умумтаълим фанларини ўқитиш билан бирга талабани рассом қилиб вояга етказди. Лекин бу шакл, ранг композиция ва ҳокозо қонунларини билиб олган талаба рассом бўлиб қолганини билдирмайди. Ижодкор шахсни камолатга етказиш масаласи анчайин мураккабдир.

Маҳорат тушунчасига фақат расм, композиция, ранглар уйғунлигининг ўзигина кирмайди, ижод тушунчаси ҳам қўшилади. Ижод деганда: маданият, истеъдод, ирода, дид, ҳаётий материални билиш, ўз даври вазифаларини тушуниш назарда тутилади. Таълимнинг бу алоҳида қирраларининг ҳаммаси шахснинг эстетик камолатини шакллантиради.

Санъат асарининг кучи шундаки, у оддий нарсаларга гўзаллик бағишлаб қандайдир юксакликка кўтаради. Бунга рассом асарларига сингдирилган поэтик (адабий) туйғу туфайли эришилади ва у томашабинга ҳам ўтади.

Ўқитувчининг вазифасига бутун ўқитиш давомида талаба атрофни ўраб турган ҳаётдаги гўзалликни кашф қилишга ўргатиш, унинг ўзига хос қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, талабанинг гўзал туйғуларини қўллаб-қувватлаш, рассом шахсини вояга етказишга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдан иборатдир. Шу билан айтиб бериш керакки, ҳар кунги суҳбатлар натижасида талабанинг диди, маданиятини ривожлантириш, санъат ва замонавийлик вазифаларини тушунишга ёрдам бериш, ундан келгусида амалий ва манзарали санъат ходимини тайёрлаб чиқаришга кўмаклашиш керак.

Рассомлик таълими курсини ўтгач, талаба рассомлик саводи қонунларини ўзлаштириш, ёзувчи она тилини пухта билганидек, рассомлик тилини мукаммал эгалаши керак. Бу унинг бундан буёнги ижодий ишига асос бўлиб, керакли шарт-шароит яратади. Бироқ рассомлик тилини билиш рассомни ўз олдида турган вазифаларига ижодий ёндошиши заруратидан

озод қилинмайди, бу вазифаларни у мастақил ҳал қилишга интилиши керак. Ўзбек ва жаҳон классик мероси қанчалик бой ва ранго-ранг бўлмасин, ҳозирги замон рассоми ўз олдида турган вазифаларни унутмаслиги керак. У давримизни ўз асарларида акс эттириши лозим. Буни янги замонавий шаклларда кўрсата билиш талаб қилинади.

Рассом бошқаларга ўзининг янги, айтса арзигулик нимадир гапи бор, ҳаётда ўзига хос тарзда киришадиганлар билан ўртоқлашадиган таффақурга бой ижодкор одам.

Рассомлик таълими бошқа махсус ва умумий таълим фанларини ўқитиш билан бирга қўшилиб юқори малакали рассомларни вояга етказишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Олий рассомчилик-санъат билимгоҳини битириб чиққанлар аслига яқин реализм услубини эгаллаб, кейинги рассомлик амалиётида амалий ва манзара санъатининг оригинал тасвирий-бадий композицион шакллари топиб мустақил талқин қиладилар. Мана энди, рассом деган номга сазовор бўлгандан сўнг, у миллий минатюра рассоми бўладими ёки дастгоҳлик рангтасвир устаси бўладими – ўзбек деган номни унутмаслик керак. Нега десангиз, ҳар бир миллат ўз она тилида сўзлашни унутмаслиги керак. Рассомнинг иккинчи тасвирий она тилиси, бу ҳам уни ижодда миллий қадриятларини янгича услуб билан ўзига хос жило бериб ишлашидадур.

Мавзулар бўйича назорат саволлари ва вазифалар

- 1) Тўғридан-тўғри тушувчи ва акс этувчи ёруғлик ўртасидаги фарк нимада ?

Вазифа: Ранглари бўйича ёрқин предметлардан мураккаб бўлмаган натюрморт ташкил этиш, ёруғлик ва сояга нисбатан.

- 2) Ранглар доираси ўзида нимани намоён этади ?

Хроматик ва ахроматик ранглар қандай сифатларга эга ? Қандай рангларни асосий ва қўшимча ранглар дейилади ?

Вазифа: Асосий ва қўшимча рангларга нисбатан натюрморт.

- 3) Фазовий перспективалар қонуниятларини санаб ўтиш.

Вазифа: Бир-биридан узоқлашган бир неча предметлардан иборат натюрморт.

- 4) Ранглар ва ёруғлик манбайининг ёруғлигининг кучи билан келтириб чиқарилган натюрморт колоритининг характерли хусусиятлари қандай ?

Вазифа: а) натюрмортни табиий ёруғликда бажариш;

б) натюрмортни сунъий ёруғликда бажариш;

- 5) Акварель билан ишлашнинг асосий услубларини санаб ўтиш.

Вазифа: а) Алла-прима услуби билан натюрморт бажариш.


б) Хом усулуб бўйича натюрморт бажариш.

в) Лессировка билан натюрморт бажариш.


- 6) Образли натюрморт нима ?

Вазифа: а) маълум бир муайян гаммада ва турли хилдаги предметлар танловида натюрморт бажариш.

б) декоратив натюрморт.




1. Три основных свойства цвета: а) цветовой оттенок
б) насыщенность в) светлота




2. Восемь главных цветов


3. Непрерывный цветовой круг в 24 тона



4. Схема освещения предмета основным и отражённым цветом




5. Условная шкала изменений цвета и светотени, обусловленная явлениями воздушной перспективы



6. Воздушная перспектива в пейзаже.



7. Упражнения в технике тоновой отмывки.



8. Наложение красок
методом многослойной
живописи(лессировка)




9. Наложение красок
методом алла прима



10.Метод по сырому.




11.Наложение Красок
смешанными методами



12. К.С.Петров-Водкин
“Утренний натюрморт”



13. Голландский натюрморт




14. 1-ая стадия работы
над натюрмортом
методом многослойной
живописи.



14. 2-ая стадия работы
над завершением
натюрморта




HATJOPMOPT





МАНЗАРАЛИ ТАСВИР





М. САДИКОВНИНГ УСТОЗ ДАРСИ





HATIPMOPT



МАНЗАРАЛИ ТАСВИР






МАНЗАРАЛИ ТАСВИР



Руководитель : Бородина М. Р.
Выполнила студентка : Айзнер Юлия
Натюрморт 20-01/20
Гуашь

НАТЮРМОРТ



ΠΟΡΤΡΕΤ



ΠΟΡΤΡΕΤ

ФОЙДАЛАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пугаченкова Г.А, Ремпель Л.И. “История искусств Узбекистана” изд. Искусство 1995 г.
2. Ростовцев С.Е. Рисунок, живопись, композиция. М.1989 г.
3. Наим Нокулов “Минатюра тарихидан лавҳалар. 1990 й.
4. Ван Гог В.Письма. Л.М. Искусство. 1996 г.
5. Киплик Д.И. Техника живописи. Л. Искусство 1980 г.
6. Пучков А.С. Методика работы над натюрмортом. Москва “Просвещение” 1987 г.
7. Мухомлинова Е.С. «Натюрморт» Москва 1984 г.
8. Соилов Т.З. «Рангтасвир» ўқув китоби. 1996 й.
9. Соилов Т.З. “Композиция” ўқув китоби. Т.: “Ўзбекистон”, 1999 й.
10. Яшухин А. П. «Живопись», - М., 1985 г.
11. Алексеев С. С. «О колорите», - М., 1974 г.
12. Ефимов Г. «Колористика города», - М., 1980 г.

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
Кириш.....	3
Чекланган рангтасвир.....	4
Манзарали тусдаги натюрмортлар.....	14
Манзарали натюрморт тузиш.....	16
Манзарали натюрмортнинг ўзига хос хусусияти.....	16
Манзарали натюрмортни ишлаш.....	18
Маконли тусдаги натюрморт.....	28
Гулли фондаги маконли натюрморт	21
Натюрмортни тузиш бўйича асосий тавсиялар	
Фазовий – йиғимлик ечими.....	22
Сув – бўёқ техникаси ва унинг асоси.....	35
Перспективанинг ранг тоналлиги.....	41
Ранг айланасининг қоидаси.....	42
Колорит тушунчаси.....	44
Натуранинг умумий тонли ва рангдорлик ҳолатлари.....	44
Хотима.....	47
Мавзулар бўйича назорат саволлари ва вазифалар.....	49
Иллюстрациялар.....	50
Фойдаланилган адабиётлар.....	64